307198

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1998 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

• 9 октябр, № 41 (3477) •

Берта ДАВИДОВА:

«КАНАДА»ЛИК МУХЛИСИМГА ДЕГАНЛАРИМ...

Энг аввало, менинг ҳақимда, камтарин ижодим тўғрисида мақола ёритганлари учун таҳририятга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Шу баҳона хотира дафтаримни очадиган бўлсам, саҳнада кечган 45 йиллик умрим давомида бугун эсласа арзигулик кўп воқеаларни кўрибман, кўп нарсаларга шоҳид бўлибман. Ҳар қанақа ҳолатлар бўлди. Қийинчиликларни ҳам кўрдим. Аммо ҳеч қачон, ҳеч қаерда саҳнага, санъатимизга хиёнат қилганимиз йўқ.

Санъаткорлик жуда мураккаб касб. Покизаликни, фидойиликни талаб қиладиган иш. Элнинг олдига чиқиш, баъзилар ўйлаганидек, жуда осонмас. Камтарин бўлсангиз, ҳаддингизни билсангиз, одоб сақласангиз, рақҳоса бўлсангиз — рақсингизни, ашулачи бўлсангиз— ашулангизни меъёрига етказиб ижро этсангиз — албатта, ҳурмат-эътибор топасиз. Мана бу қўшиқчи қизимизни кўринг. Хусни-латофати жойида. Овози кўнгирокдек. Аммо ,эътибор беринг-а, айтаётган ашуласи сўзларини юракдан ҳис қилаётган йўқ, талаффузида ноаниқликлар бор. Ундан кейин, ортиқча қочирмалар ашула таъсирини сусайтиради.

Шогирдларимга ҳамиша бир нарсани уқтириб келаман — санъаткорнинг ҳаёти кўпчиликнинг кўз ўнгида кечади. Саҳнадаги қўшиғингиз ҳам, туриш-турмушингиз ҳам ибрат бўлсин. Меҳнатдан изланишдан қочманг, ўзингизга бино қўйманг, ортиқча зебу зийнатга берилманг... Албатта, бу ўгитларга ҳамма ҳар ҳил риоя қилади.

Пайти келиб қолди, яна бир нарсани айтиб ўтай. Мен санъаткорлигим туфайли дунёнинг жуда кўп мамлакатларида бўлдим. Кўп саҳналарда куйладим. Ўзбек халқининг мумтоз қўшиқларини куйлаб катта мартабаларга эришдим. Аммо, шуни аниқ айта оламанки, дунёнинг ҳеч бир ерида ўзбек халқидай меҳрибон, Ўзбекистондай улуғ, гўзал бир гўшани кўрмадим. Боғларимизга, водийларимизга қиёслагудек ҳеч бир жойни учратмадим. Чинакам меҳр-оқибат, инсоний эҳтиром фақат ўзимизда экан.

Бир гал, Канадага борганимда, эгнимдаги атлас кўйлакни кўриб, иккита собиқ юртдошлар атрофимни ўраб олишди, кўйлагимни кўзларига тўтиёдай суришди. Бир кундан кейин эса бир жойда бизнинг шарафимизга зиёфат уюштиришди. Шунда мен уларнинг илтимосларига биноан аввалига **«Муножот»**ни, сўнг **«Адашганман»**ни куйлаб бердим. Шилқ-шилқ йиғлаганларини кўрсангиз эди. Айниқса, кейинги ашуланинг ҳар бир сатри, ҳар бир сўзи юрак-бағирларини пора-пора қилиб юборяётгандай эди..

Шу сафар чоғида, ўша , бизни зиёфат қилганлардан бири **«Берта хоним, қолинг шу ерда, уй берамиз, машина берамиз, хоҳлаган нарсангизни муҳайё қиламиз. Фақат қолсангиз бўлди, роҳат-фароғатда умргузаронлик қиласиз...»** — деб қолди. Мен унга **«Ўзингиз-ку адашган экансиз, «Адашганман»ни куйлаганимда хун бўлиб йиғладингиз, энди эса мени ҳам шу йўлга даъват этмоқчимисиз? Йўқ, мен Ўзбекистонимнинг бир кафт тупроғини бутун Канадага ҳам алишмайман. Ўзбекистон мен учун бутун борлиғим, ҳаётим, бахтим, иқболим»,** — дедим.

Суҳбатдошим менга жўяли бир жавоб қила олмади. Кўзларида ёш билан хайрлашиб чиқиб кетди.

Анча йиллар аввал бўлиб ўтган бу воқеани тез-тез эслаб тураман. Ва ҳозир ҳам, бу гапни такрор-такрор айтгим келади. Ўзбекистон — бағри кенг, улуғ юрт. Уни қадрлаш, ардоқлаш, кўз қорачўғидек асраб-авайлаш — ҳаммамизнинг бурчимиз.

МУҲАРРИР ЁЗИБ ОЛДИ

Баҳодир КАРИМ

ПАРИЖДА ЧИҚҚАН ЎЗБЕК МАЖМУАСИ

Ўзбеклар ва дунё

Рус мустамлакачилари қўли остида эзилган юртни озод этиш ғояси туркистонлик илғор зиёлиларни сиёсий ҳушёрликка чорлаган эди. Туркистоннинг мухторият ўлароқ эълон этилиши уларнинг қалбига бир лаҳзалик қувонч бағишлади. Аммо орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қизил империя сурурни саробга айлантирди; мухторият қонга ботирилди ва мустамлакачилик сиёсати моҳиятан ўз ҳолича қолиб, давом этди. Болшовойларнинг ёлғон ваъдалари ила кўнглини овутган бир қанча зиёлилар юртда адолат тантанасидан умидландилар. Бунинг оқибати оммавий қамоқ ва қирғинлар билан якунланганини барчага маълумдир.

Мазкур курашчан авлоднинг яна бир талай вакиллари бор эдики, «улар миллатлар зиндони»дан муҳожирликни афзал билдилар ва ғоялари йўлида эркин фаолият учун майдон изладилар, топдилар. 1929—1939-йиллар орасида Франция маркази Париж шаҳрида ўзбек тилида «Ёш Туркистон» номли мажмуа нашр қилинган эди. Журнал юрт озодлиги масаласига асосий эътиборни қаратган бўлиб, унинг «Туркистон миллий истиқлоли фикрига хизмат этувчи ойлик мажмуа» деб изоҳланиши ҳам шундан далолат берарди.

Муҳими шундаки, 117 сони (айримлари қўшма сонларда) дунё юзини кўрган мазкур журнал сонларининг фотонусхасини Туркиядаги Аёз-Тоҳир Туркистон-Идил-Ўрол вақфи ўн жилдга жойлаб, китоб кўринишида қайта чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйибди. Мажмуанинг 1929—1930 йиллардаги ўн уч сонини қамраб олган биринчи жилд босмадан чиқди. Истанбул университети доктори Салоҳиддин Тўлқуннинг ҳиммати ва ТошДУда таҳсил олаётган туркиялик талаба Ўзқон Эмронинг ёрдами билан «Ёш Туркистон»нинг ўша сонлари саҳифаларини кўздан кечиришга муваффақ бўлдик.

Жилд вақф бошқони Тулай Дураннинг кириш сўзи билан очилади. Сўнгра Темур Хўжа ўғлининг «Ёш Туркистон»нинг Туркистон матбуоти тарихидаги ўрни» номли мақоласи берилган. Мақолада «Ёш Туркистон»ни ўн жилд ҳолида фотонусха қилиб қайтадан нашр этишнинг зарурияти ва учта асосий сабаби алоҳида таъкидланади.

Биринчидан, бу журнал ҳозиргача Туркистон матбуоти тарихидан умуман ўрин олган

Давоми иккинчи бетда

ВАҚТ — МЕНИНГ АРМОНИМ

4-бет

ДЎСТЛИК МАКТУБИ

Теран томирлар

Шу йил баҳорда Татаристоннинг таниқли адиби Тавфиқ Айди бир муддат Ўзбекистонда бўлди. У сафари чоғида республикамизнинг миллий мустақилликка эришгандан кейинги ҳаётидаги ўзгаришлар, шунингдек, ўз миллатдошлари бўлган татар халқи вакиллари ҳаёти билан танишди, таниқли ўзбек ёзувчи ва журналистлари билан учрашди. **«Жаҳон адабиёти»** журнали бош муҳаррири Озод Шарафиддинов, **«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»** газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев ва бошқалар билан мулоқотда бўлди, халқларимиз ўртасидаги адабий-маданий алоқаларни ривожлантириш борасида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Яқинда Қозондан қардошимиз Тавфиқ Айдидан мактуб олдим. Унда: **«Хурматли Шерали афанди! Саломатмисиз! Ўзбекистондан қайтгач, кўп ўтмай Германияга бориб, у ерда бирор ойлар чамаси қолиб кетганим туфайли Сизга хабар қила олмадим ва ният қилиб қўйган ишларнинг ҳам бажарилиши бироз кечикди. Мен бугун Сизнинг «Чўлпон ва татар адабиёти» мақолангизни таржима қилиб, «Қозон ўтлари» журналига бердим.**

Биз ҳам бир вақтлар репрессия қилинган ўзбекларнинг таниқли арбоблари ва маданият намояндаларини етарли билмаймиз. Ушбу сафар чоғида мен Тошкентдан Фитрат, Улуғбек, Темур тўпламларини олиб қайтдим. Лекин Чўлпоннинг бирорта асарини ҳам олиб келолмадим. Биз бу жиҳатдан бир-биримизга ёрдам этишимиз лозим. Ёзишиб турайлик... Сизга ва оилангизга кўпдан-кўп салом йўллаб қолувчи ва сизни эҳтиром этувчи Тавфиқ Айди», деб ёзилган эди.

Камина Тавфиқ Айди билан дастлаб 80-йилларнинг ўрталарида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, татар шоири Адхат Синўғил орқали танишиб, унинг **«Сехрли куч»** китобини ўқиб чиққан ва бу ҳақда **«Ўзбекистон санъати»** журналида (1988 йил, 3-сон) такриз ёзган эдим. Китобда ўзбек ва татар халқларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўзаро тарихий ҳамкорликлари ва уларнинг кейинги йиллардаги ривожи бой фактлар асосида ёритишга ҳаракат қилинган.

Тавфиқ Айди Ўзбекистондаги татарларнинг фаолияти тарихига оид материалларни ўрганишни давом эттириб, 1991 йили қозонда **«Илон ўқи»** номли бир роман нашр эттирди. Татар адабиётида тарихий роман жанри усталаридан, таниқли адиб Нурихон Фаттоҳ Тавфиқ Айдининг ҳозирги татар адабиётидаги ижодий ҳизматлари ва унинг роман ҳақида шундай дейди: **«Бугун бизнинг тилимиз, маданиятимиз, миллий руҳимиз ва онгимиз тамомила сўниб кетмаган экан, агар бизнинг миллатимиз ҳали ҳам яшаб бораётган экан, бунда биз Тавфиқ Айди каби юзлаб, минглаб, ҳатто ўн минглаб қурашчиларимиз олдида қарздормиз. Тавфиқ Айди бизнинг орамизда ҳеч ким қилолмайдиган оғир ва хатарли йўлни танлади. Биз ёзувчи аҳлларимиз кўпроқ хонанишинларда, кабинетларда ўтириб халқимизга ёрдам қилишга ҳаракат қилган вақтларимизда Тавфиқ Айди тўғридан-тўғри халқ билан аралашиб, халқ билан юзма-юз туриб сўзлашди...».**

Асар қизиқиш ва завқ билан ўқилади. Адиб Марказий Осиёни, жумладан, Бухоро ва унинг тарихини, маданиятини, табиатини, у ердаги маҳаллий халқнинг тили ва урф-одатларини яхши билади. «Илон ўқи» романи гарчи Марказий Осиё ҳаётига оид бўлса-да, унда ёзувчи асосан татар халқи фарзандларининг у ерлардаги фидокорликлари ҳақида фикр юритади.

Шерали ТУРДИЕВ,
Алишер Навоий номидаги Тил ва Адабиёт институти катта илмий ходими

ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

Тарихимизнинг улуғ алломалари ҳақида кўплаб асарлар, видеофилмлар, театр томошлари яратилмоқда. Театр санъатининг гултожи бўлган опера санъатида ҳам буюк бобокалонларимиз сиймоларини абадийлаштириш борасида бир мунча ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда ана шу мавзудаги катта ишлардан бири ниҳоясига етай деб қолди.

Бу қутлуғ ишни композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мустафо Бафоев амалга оширди. Унинг **«Ал-Фарғоний»** деб номланган операсини режиссёр Ҳайдарали Қосимов саҳнага қўймоқда. Опера либреттоси Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов қаламига мансуб. Асарга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сулаймон Шодмонов дирижёрлик қилмоқда. Саҳна безакларини мусаввир Зубайдулла Ботиров ишлаган. Ал-Фарғоний ролини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Аваз Ражабов ва Турсунбой Ҳусанов ижро этадилар.

Ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишланган мазкур опера премераси 22 октябр куни бўлади.

ДИЛЛАРНИ РОМ ЭТДИ «ЛАЗГИ»

«Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасининг «Лазги» ансамбли санъаткорлари Бекобод туманининг Зафар қишлоғи **«Дўстлик»** жамоа хўжалигида пахта тераётган ҳашарчилар ҳузурида дилрабо куй-қўшиқлардан иборат дастурларини намойиш этдилар. Тошкент вилояти **«Камолот»** жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган бу сафар чоғида ансамбл иштирокчилари Бекобод туманининг бошқа бир неча хўжаликларида ҳам меҳнаткашлар билан учрашувлар ўтказдилар.

Жўра МАҲМУД

ОБУНА – 99

Мамлакатимизда чоп этилаётган газета ва журналларга, шу жумладан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигига 1999 йил учун обуна бошланди. Азиз мутаҳассислар узоқ йиллик ижодий ҳамкорлигимиз келгуси йилда ҳам давом этишини истасангиз, обунани ўз вақтида расмийлаштириб қўйишни унутманг.

НАШР ИНДЕКСИ:
Якка обуначилар учун— 222
Ташкилотлар учун — 223

ГЕНЕРАЛГА НАСИБ ЭТМАГАН ФИЛМ

Устоз Собир Абдулладан эшитганларим

— Эҳ, Олимбек, уф-ф! Эсимга бир ғалвани солдингиз-да! Уруш бошланганига икки йилча бўлган эди, чамамда. Усмон отанинг ёрдамчилари уйга қўнғироқ қилиб қолди: «Домла, ўн дақиқадан сўнг кўча эшигингиз олдида машина кутиб туради, сизни ота суяяптилар!» Бу гапдан кейин апил-тапил кийиниб, ташқарига чиқсам, ҳақиқатдан машина кутиб турибди. У пайтда марказқўм ҳозирги Гогол кўчасидаги Ўзбекистон Фанлар Академияси биносида эди. Отанинг ёрдамчилари кўчада кутиб олиб, ичкарига бошлашди. Хонага кирганда отанинг ёнида ҳарбий кийим кийган, афт-башараси танишроқ бир киши ўтирган эди. Салом-аликдан сўнг, ота у кишини таништирдилар:

— Буёқ адашингиз Собир Раҳимов бўладилар!

— Танишганимдан ғоят хурсандман, — дея у киши билан қайтадан сўрашдим.

Ота гап бошладилар:

— Вилоят театри «Тоҳир ва Зуҳра»ни фронтга бориб кўрсатса, деган умидда сизни чақирдик.

— Яхши бўлади, — дедим-да, адашимга юзландим:

— Ўзингиз «Тоҳир ва Зуҳра»ни кўра олдингизми?

— Йўқ, кўра олмадим.

— У ҳолда аввал ўзингиз кўрсангиз дуруст бўларди.

— Унда машинада иккович бориб, — деб гапимизга аралашдилар ота, — театрни томоша қилинглар, қолган гапни келганинглардан кейин гаплашамиз.

Адаш иккимиз ташқарига чиқиб, тайёр турган машинага ўтириб, йўлга тушдик. Йўлда адашим менга фронтда қаттиқ яраланганини, бир ойча даволаниб, бу ерга соғлигини мустаҳкамлаш учун келганини айтиб берди.

Янгийўлга етиб борганимизда томошабинлар кундузги спектаклга киришаётган экан. Театр директори бизни кутиб олиб, хонасига бошлаб кирди. Бир пиёладан чой ичганимиздан кейин томоша залидаги бизга ҳозирланган жойга бориб ўтирдик. Адашим спектаклни шундай берилиб томоша қилдики, асти қўяберасиз. Томоша тугагач, туширкмай, алоҳида кино қилиш зарурлигини айтди. Ана шундан кейин спектакл матни зудлик билан русчага ўгирилиб, марказга юборилган. А. Спешнев деган киносценарийчи матннинг у ер-бу ерига қалам уриб, устозга шерик муаллиф бўлган. Машҳур ўзбек кино арбоби Наби Ғаниев бош режиссёр, Йўлдош Аъзамов эса ёрдамчи этиб тайинланган...

Устоз Собир Абдулланинг яна машинага ўтириб, Тошкент шаҳрига йўл олдик. Йўлда адашим анчагача индамай, хаёл суриб келди. Гаплашиб кетиш мақсадида:

— Қандай, спектакл сизга манзур бўлдими? — деб аста сўрадим.

— Манзур бўлганида қандоқ, ҳатто, охирида кўзимга ёш келди ҳам. Энди адаш, менимча, фронтга шунча кўп артистларни овора қилиб юрмай, театрнинг ўзини шундайлигича кинога олиб, жангчиларга фронт бўлинмаларида тез-тез кўрсатиб туриш керак! Бунга нима дейсиз?

— Буни тегишли ташкилотлар билан маслаҳатлашиб кўришга тўғри келади. Менимча, бу фикрингизни отага айтиб кўринг, балким, сиз айтганчалик бўлар...

Шундай қилиб, «Тоҳир ва Зуҳра» спектаклини кино тасмасига тушириш нияти туғилди. Усмон ота ҳам рози бўлдилар. Аммо марказ спектаклни шундай тасмага шу гапларини янада тўлдириш мақсадида «Тоҳир ва Зуҳра»да асосий ролларни ўйнаган актёрлар билан суҳбатлашмоқчи бўлдик. Актёрлардан фақат Зуҳра ролини ижро этган Юлдуз Ризаева билан, Тоҳир ролини ижро этган Ғулом Тожиаълоев ҳаёт эканлар холос. Юлдуз Ризаева билан суҳбатимиз яхшигина бўлди.

— Аввалига, — дейди Юлдуз Ризаева, — театр спектаклини қандай бўлса, шундайлигича тасмага туширмоқчи бўлишди. Бунга рухсат берилмаган шекилли, кейин алоҳида кино қилишга ўтишди. Киносценарий тайёр бўлгач, ролларга актёрлар топиш бошланди.

Суратқаш Х. Тошмуҳаммедов репродукцияси

Хотира

Бу ёқда кинога олишни тезлаштириш масаласи кучайиб, бош ролга актёр топилгунга қадар, сценарийнинг бошқа қисмларини суратга тушириш бошлаб юборилди. Ҳозирги Ҳамза театри ўрнида илгари «Ватан» кинотеатри бўларди. Ана шу кинотеатрда вақтинчалик кино қўйиш тўхтатилиб, унинг фойесида асарнинг зиндон воқеасини суратга олиш бошланди. Шу орада Ғулом Тожиаълоевни кино тасмасига тушириб, марказга жўнатишса, маъқул бўлибди. Ана шундан кейин мен билан Тожиаълоевни суратга тушириш бошланиб кетди. Ов воқеаси ва Сардорнинг дўсти қаторига келиб, лашкарлар билан тиловат қилиш пайти Ўргутдаги Чинорбоғда суратга тушириди. Хоразм маликасининг сандиқда оқиб келаётган Тоҳирни тутиб олиш қисми Хўжакентдаги Хумсон томонга ўтадиган қадимий тош кўприк ёнида суратга олинган. Қисқасини айтганда, кинони суратга олиш 1944 йил авж олди. 1945 йил ўрталари «Тоҳир ва Зуҳра» кинотеатрларда намойиш этила бошланди...

Афсуски, фронтдаги жангчиларга кейинчалик жаҳон кино санъатининг дурдона асарларидан бирига айланган «Тоҳир ва Зуҳра» кинофилмини кўрсатиш бошланганда гвардиячи генерал майор Собир Раҳимов (1945 йил 26 мартда) Болтиқбўйи шаҳри Гданск-Данцигда қаҳрамонларча ҳалок бўлганди. Генералга кинофилмни кўриш насиб этмади. Устознинг «Уф-ф!» дейишлари ҳам шундан бўлса керак!

Олим КЎЧҚОРБЕКОВ.

ДАРСЛИК — ТАЪЛИМ УСУЛИ

Маданият ва санъат таълимида янги даврни бошлаган **«Таълим ҳақида»**ги қонун ва у билан боғлиқ бўлган кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури профессор-ўқитувчилар олдига янги ва масъулиятли талабларни қўймоқда. Бу вазифани бажариш учун аввало ўқитиладиган фанларни ишлаб чиқариш билан узвий боғлаш, унинг амалий ва тадбиқий самарадорлигига эришиш, янги замонавий дарсликлар яратиш устида иш олиб бориш зарур.

Назаримда, Тошкент давлат маданият институтининг доценти А. Рўзметовнинг **«Маданиятда менежмент ва иқтисодиёт асослари»** дарслиги (Тошкент, **«Ўқитувчи»**, 1998 й.) ўқув жараёнини бозор иқтисодиёти талаблари асосида ташкил этишга бир қадар жавоб беради. Дарслик уч бобдан иборат. Ҳар бир бобидан долзарб мавзулар ўрин олган бўлиб, талабалар танлаган касблари юзасидан тегишли маълумотлар олиш имкониятига эгадир. Айниқса, **«Бозор иқтисодиётида маданият ва санъат таълими концепцияси», «Менежмент асослари», «Маданият масканларида фуқароларнинг ташкилотчилик фаоллиги», «Маданият соҳасини бозор муносабатлари шароитида бошқариш»** мавзулари иқтисодий содда тилда баён этилган.

Хуллас, бугун давлатимизнинг маданий-иқтисодий ҳаётида ўзгаришлар рўй бераётган, айниқса, талабаларда бозор муносабатларига мослашиш, унинг теран моҳиятини билиш истаги ортиб бораётган бир пайтда А. Рўзметовнинг ушбу дарслиги бу эҳтиёжни маълум даражада қондиришга ва маданият соҳасида эндигина оёққа тураётган менежмент ҳамда иқтисодиёт асосларини ўқитишни янада яхшилашга муносиб ҳисса қўшади, деб умид билдириш мумкин.

Турсунбой АҲМЕДОВ,
иқтисод фанлари доктори

Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига

ЖАҲОН ИМОМЛАРИ САРВАРИ

Бутун мусулмон олами Имом Бухорий туғилганига 1225 йил тўлишини катта байрам тантаналари билан кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Имом Бухорий Бухорода туғилиб, мусулмон мамлакатлари ҳадисшунослик илмий марказларида машаққатли меҳнат қилиб, катта муваффақиятларга эришди. Аммо алломани Ватан туйғуси она юртига қайтариб олиб келди. У аввал Бухорода, сўнгра Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида яшади ва умрининг охиригача илм-фан хизматида бўлди. Унинг қабри Хартанг қишлоғидадир. Мустақиллик шарофати билан бу муқаддас жойга барчанинг нигоҳи туша бошлади.

Буюк ватандошимиз ўзи туғилган жойда ҳадис илмини эгаллаб, сўнгра мусулмон оламидаги бошқа ҳадисшунослик марказларига йўл олди, янги-янги устозлар орттирди, етук шогирдлар тайёрлади. Унинг ҳадисларни йиғиш, уларни ёд олиши Бухородалик давридан бошлаб, мусулмон мамлакатлари марказларида яна 42 йил давом этди. Бўлажак олимнинг илмий сафари 14-15 ёшларидан бошланган. Бобокалонимиз ўзининг бутун умрини ҳадисшунослик илмига бағишлади. Ушбу соҳадаги алломанинг ишларини бошқа бирон олим шу даражада такрорлаган эмас.

Маълумки, илк бор ҳадисларни йиғиб, китоб ҳолига келтирган киши Шиҳол аз-Зуҳрий эди (670—741). Абдуллоҳ ибн Мусо, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал бу ишни давом эттирдилар. Аммо ҳадисшуносликка оид китоблардаги ҳадислар сараланган эмасди. Фақат Имом Бухорий ҳадисларни йиғиб олгач, уларни саралаб, мағзини чақди, шарҳлади ва тасниф этди, ислоҳ қилди. Бундай ўйлаб қаралса, фақат китоб ҳолига келтирган асарлари йилига биттаданга тўғри келади. Қўлёзма асарларининг ҳисоби олинган ҳам эмас.

Имом Бухорийнинг илмий фаолияти ғоят сермаҳсул бўлиб, у 40тача асар ёзган. Уларнинг 25тага яқини бизларга етиб келган бўлса, бир қисми она-Ватанимизнинг турли кутубхоналарида сақланиб келинмоқда. Буюк ҳадисчи илмий тадқиқотларининг гултожлари «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») ва «Ал-адаб ал-Муфрад» («Адаб дурдоналари») асарлари ҳисобланади. Бу тадқиқотларнинг ҳар иккаласи ҳам она тилимизда нашр этилган, уларни китобхонлар зўр иштиёқ билан мутолаа қилиб келмоқдалар.

Бобокалонимизнинг «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» асари 4 жилддан иборат бўлиб, қариб 2200 саҳифани ташкил этади, 7300 га яқин ҳадисни қамраб олади. Бу ҳадислар муҳаддиснинг тўплаган 600 минг ҳадислардан саралаб олинган энг ишончлиларидир. Зеҳни тез ва хотираси ўткир бўлган тадқиқотчи ўзи тўплаган ҳадисларнинг учдан бир қисмини ёддан билган.

Ҳадисчи бобокалонимиз ўзининг «Алжомиъ ас-саҳиҳ» ва бошқа асарларини юзага келтириш учун мингдан ортиқ ҳадисчи билимдонлар билан суҳбат қилади ва сабр-тоқат билан ҳадисларни ёзиб олади. Унинг ёзиб олган барча ҳадисларини китоб шаклига келтирилса, у ҳолда 328 та китоб юзага келган бўлур эди. Бу эса ҳар кунига 7—8 китоблик маълумотлар ёзиб олиғган экан, деган маънони билдиради.

Тўғри, бўлажак ҳадисчи олим ўз Ватанида чоғидаёқ ҳадисларни ёзиб олишга фаол киришиб бошлаган. Чунки Бухорои шарифда Шайх Исмоил, Шайх Доҳилий сингари ҳадис билимдонлари имом Бухорийга яқиндан ёрдам бердилар. Барибир, бундай тезкорлик билан машаққатли меҳнат қилишни тасаввур этиш қийин, аслида.

Имом Бухорийнинг илм-фан бобидаги хизматлари жаҳонда юқори баҳоланди. Бу ҳол бобокалонимизнинг ҳаёт вақтида юз берганини эсга олиш ғоят қувончлидир. Демак, барча мусулмон мамлакатлари уни ўзимизники деб қараганлар ва ҳозир ҳам шундай. Бунинг асосий сабаби эса ҳадисчи-алломанинг салоҳияти ва барча асарларининг адаб, яъни Қуръони карим тилида битилганидадир.

Буюк аллома асарларининг ўз замондошлари ва ўзидан кейинги ҳадисшуносларга катта ижобий таъсири бўлган. Буни ёзма ёдгорликлар орқали ҳам аниқ ҳис этиш мумкин. Ушбу хусусда, «Ал-Жомиъ ал-саҳиҳ»нинг аҳамияти каттадир. «Қутадғу билиг», «Ал-кашшоф», «Нозик иборалар», «Аҳмад Яссавий ҳикматлари», «Чиҳил ҳадис», «Арбаъин» каби асарларининг барчаси ҳадисга оид чуқур мазмунли фикрлар билан тўлиб тошгандир. Бундай хусусиятлар «Темур тузуклари», «Бобурнома» сингари асарларида ҳам кўплаб учрайди.

Бу сингари манбалар барча мусулмон мамлакатларида кенг тарқалган, улуғ шоирлар, мутафаккирлар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатган. Хусусан, Алишер Навоийнинг «Арбаъин» асари ҳадисшунослик таҳлили, уларнинг муҳаддислари хусусидадир. Бунда, сўзсиз, Тангри Таоло ва Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) асосий диққат марказида:

Ул расулеки, ҳам камоли фасиҳ,
Эга тегурди, ҳам ҳадиси саҳиҳ...
Бу кун ўлса ҳадисларга мутиъ,
Тонгда бўлғай муҳаддис анга шафиъ.

Навоий ўз асарида ҳадисчилар сарвари Имом Бухорий ва унинг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ», Муслим ибн Ҳажжож ва унинг «Ас-саҳиҳ» асарлари ҳақида маълумот беради ва шундай мадҳ этади:

Ўқуғанда Бухори-у Муслим,
Қирқ сўз борча шубҳадин солим.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома»сида ҳам имом Бухорий, унинг ишончли ҳадислари тўплами ва алломанинг сўнгги яшаб ўтган манзили хусусида қисқа, лекин аниқ маълумот келтирган: «Яна соҳиби «Саҳиҳи Бухорий» Хожа Исмоил Хартанак ҳам Мовароуннаҳрдиндир».

Китобнинг биринчи жилдида «Расулуллоҳ насиҳатлари»да ўқиймиз: «Бир қанча саҳобалар ўртасида Расулуллоҳ айтдилар: «Оллоҳни бир деб билгаймиз, унга ширк келтирмагаймиз, ўғрилик қилмагаймиз, зино қилмагаймиз, фарзандларимизни ўлдирмагаймиз, туҳмат қилмагаймиз (зино ва бошқа нарсалар хусусида), шариат амрига итоат қилгаймиз, деб менга сўз берингиз».

Имом Бухорийнинг китобидан келтирилган бу муқаддас ибораларни бирма-бир изоҳлайдиган, таҳлил этадиган бўлсак, қалин бир китоб ёзишга тўғри келади. Буларнинг ҳар бири алоҳида мавзудир.

Маълумки, Тангри Таоло барча жонзотларга, биринчи навбатда ҳазрати Одамга меҳрибонлик қилади. Албатта, улар меҳнат билан шуғулланиши шарт. Халқда: «Бекордан Худо безор», деган ҳикмат бор. Шунга қарамасдан, баъзи инсонлар ўта бой бўлиб кетишлари ва айримлари қашшоқлашиб қолишлари ҳам мумкин. Маблағлари кўпайиб кетган одамлар бошқаларга, ўз қавм-қариндошларига, бева-бечораларга, ночор оилаларга хайрия қилишни унутмасликлари лозим. Бу ҳақда Имом Бухорий ўз китобида қуйидагиларни ёзади: «Оллоҳи Таоло бу хусусда бундай дейдир: «Хазина-хазина тилла ва кумушларни жамлаб, Оллоҳ йўлида сарф қилмайдиганларни қиёмат куни бериладиган қаттиқ азобдан огоҳ қилингизлар».

Шунинг учун Тангри Таоло ато этган бойликлар кўпайиб кетса, уларнинг ортиқчасини бошқалар билан баҳам кўриш, Худо йўлига садақа қилиш зарур. Бу тўғри йўл бўлиб, меҳнат туфайли топилган бойликка тегишлидир. Ҳаром-ҳариш, ўғирлик, алдамчилик каби ўта пасткашлик билан йиғилган молу дунё эса илон заҳри кабидир, унинг бошига етар ва бу олмдан олиб кетар. Аҳмад Яссавийнинг мана бу мисралари худди шу хусусда айтилганлиги аниқдир:

Ҳаром-ҳариш йиғмиш молга
қувонмангиз,
Молларини қарши отлиғ йилон қилур.

Имом Бухорийнинг «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» китобида «Тангри таоло—ягона», «Пайғамбар — Оллоҳнинг ердаги элчиси», «Иймон-эътиқод шакллари», «Илм олишнинг афзаллиги», «Саломлашиш ва унинг тартиблари» лавҳаларнинг ҳар бири чуқур мутолаа қилинса, амалий ҳаётга тадбиқ этилса, турган битгани кони фойда бўлади.

Назар РАЖАБОВ,
профессор

САҲНАДА:

«АЛЛОМАНИНГ ЁШЛИГИ»

Тақриз

Ҳамза номидаги Қўқон Давлат мусиқали драма театри ижодкорлари Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг «Алломанинг ёшлиги» («Қуболик аллома») пьесасини саҳналаштириб, улуғ даҳо ал-Фарғоний юбилейига муносиб туҳфа тайёрлади.

Шуни очиқ айтишимиз керакки, қаламкашлар ичида ҳеч ким ал-Фарғонийни Иброҳим Раҳимдек кўп ва ҳўп тарғиб қилмаган. Ал-Фарғоний муаллифнинг ҳамқишлоғи бўлганлиги учун ҳам у чексиз муҳаббат ва улкан ихлос билан даҳонинг фаолиятини чуқур ўрганди. Бунинг самараларидан бирини «Алломанинг ёшлиги» да яққол кўришимиз мумкин.

Спектаклда, асосан, икки масала қўйилади ва бадиий шаклда, жонли образлар мисолида очиб берилади. Биринчиси, ал-Фарғонийнинг илм-фан оламига кириб келиши. Бунинг учун муаллиф ҳам, театр ижодий жамоаси ҳам зарур жиҳатларни, қаҳрамоннинг илмий фазилатларини топа олганлар ва саҳнада муваффақиятли гавдалантирганлар. Булар, аввало, ёш ал-Фарғонийнинг коинот сирларини ўрганиши ва очишида, қатор тилларни билиб олишида кўринади. Аллома образини ижро этган истеъдодли артист А. Тожибоев қаҳрамон ҳаяжонларини, ички ҳис-туйғуларини бера олган. Тўғри, спектакл бошида А. Тожибоевда бироз сустлик аломатлари сезилади. Лекин воқеалар жараёнида у қаҳрамони фаолиятига чуқур кириб боради, унинг ички дардлари, эзгу-орзуларини бера олади.

Спектаклда ал-Фарғонийнинг кексалиги руҳ сифатида талқин қилинган. Шу ўринда Ўзбекистон халқ артисти Р. Содиқов даҳо қиёфасини ёритишдаги салобатли ижросини қайд этмай ўтолмаймиз. Спектаклнинг фазилатларидан бири шундаки, унда илмий руҳ, илмий макон ўз ифодасини топган. Буни биз устоз таълими (М. Аъзамов), Мударрис (М. Сиддиқов) сабоқлари, юнон олими (Б. Мўйдинов), Доруссалом вакили (А. Анваров) ҳамда сайёҳларнинг (И. Турғунов, Р. Иброҳим), айниқса Маъмун (А.Азизов)нинг илм-фанга қизиқишлари, уни ривожлантириш учун уринишларида яққол кўрамиз. Бундай илмий шароит ёш ал-Фарғонийнинг олим сифатида шаклланишига имкон туғдириб, фаннинг йирик маркази- Маъмун академиясига йўл бошлаганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Спектаклнинг яна муҳим фазилатларидан бири унда она юртга чексиз муҳаббатнинг ифодаланишидир. Бу муҳаббат асар тўқимасига сингдириб юборилган. У ҳар бир томошабин қалбида ватанпарварлик ҳис-туйғуларини мустаҳкамлаши турган гап. Айниқса, бу алоҳида жиддий образ даражасига кўтарилган Она замин (А. Зияева) мисолида яққол очиб берилган. Она замин монологи ва унинг бошқа қаҳрамонлар билан суҳбатларида Фарғона водийсининг гўзал қиёфаси кўз ўнгимизда гавдаланади. Юртга муҳаббатнинг барқарорлиги, улуғворлиги ал-Фарғонийнинг отаси Муҳаммад (Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист М. Қурбонов) ҳамда онаси Момо (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Х. Умарова) ижролари орқали янада мустаҳкамланади. Бу фазилатларни бўрттириб кўрсатишда Аҳмадбобонинг руҳи айтган сўзлар алоҳида ажралиб туради: «Аввал бошдан Ватанни севмоқ, она сутини оқламоқ, бунинг учун оламни ва одамни билмоқ, Афлотун айтганидай, уч нарса — эзгулик, ақл ва жон мавжудот хизматинда бўлмоғи лозим». Бу сўзлар гарчи риторик характерда бўлса ҳам, улар замонамиз билан, унинг талаблари билан уйғунлашиб кетади. Муаллиф ва театр жамоаси узоқ ўтмишни замон билан боғлайдиган кўприкни топа олганлар.

Томошада асосий гап кеча ва бугуннинг боғлиқлиги, даҳонинг ўлмаслиги — мангулиги акс эттирилганлигидадир. Асарнинг ютуқлари, шубҳасиз, уни саҳнага қўйган Э. Муратовнинг маҳорати билан боғлиқ. Лекин спектаклда режиссёрга боғлиқ айрим нуқсонларни айтиб ўтиш зарур. У асарни замонавийлаштираман деган мақсадда риторик жумлаларни, қуруқ, дабдабали ибораларни киритиб, асарга соя ташлаб қўйган. Бундан ташқари, баъзи меъёрига етмаган лавҳалар бор. Масалан, Маъмун қўзғолончилар бошлиғини чақиртириб юзма-юз учрашади. Лекин улар ўртасидаги ҳаёт-мамот баҳси ечилмай қолади, мақсад очилмайди. Агар муаллиф ҳам шу жойларини такомиллаштирса, спектакл ютган бўларди.

Асарга басталанган мусиқа воқеаларни кучайтиришга, қаҳрамонлар ҳис-туйғуларини ифодалашга хизмат қилган. Лекин бунда ҳам айрим қусурлар кўзга ташланади. Спектаклнинг яна муҳим фазилатларидан бири унда она юртга чексиз муҳаббатнинг ифодаланишидир. Бу муҳаббат асар тўқимасига сингдириб юборилган. У ҳар бир томошабин қалбида ватанпарварлик ҳис-туйғуларини мустаҳкамлаши турган гап. Айниқса, бу алоҳида жиддий образ даражасига кўтарилган Она замин (А. Зияева) мисолида яққол очиб берилган. Она замин монологи ва унинг бошқа қаҳрамонлар билан суҳбатларида Фарғона водийсининг гўзал қиёфаси кўз ўнгимизда гавдаланади. Юртга муҳаббатнинг барқарорлиги, улуғворлиги ал-Фарғонийнинг отаси Муҳаммад (Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист М. Қурбонов) ҳамда онаси Момо (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Х. Умарова) ижролари орқали янада мустаҳкамланади. Бу фазилатларни бўрттириб кўрсатишда Аҳмадбобонинг руҳи айтган сўзлар алоҳида ажралиб туради: «Аввал бошдан Ватанни севмоқ, она сутини оқламоқ, бунинг учун оламни ва одамни билмоқ, Афлотун айтганидай, уч нарса — эзгулик, ақл ва жон мавжудот хизматинда бўлмоғи лозим». Бу сўзлар гарчи риторик характерда бўлса ҳам, улар замонамиз билан, унинг талаблари билан уйғунлашиб кетади. Муаллиф ва театр жамоаси узоқ ўтмишни замон билан боғлайдиган кўприкни топа олганлар.

Томошада асосий гап кеча ва бугуннинг боғлиқлиги, даҳонинг ўлмаслиги — мангулиги акс эттирилганлигидадир. Асарнинг ютуқлари, шубҳасиз, уни саҳнага қўйган Э. Муратовнинг маҳорати билан боғлиқ. Лекин спектаклда режиссёрга боғлиқ айрим нуқсонларни айтиб ўтиш зарур. У асарни замонавийлаштираман деган мақсадда риторик жумлаларни, қуруқ, дабдабали ибораларни киритиб, асарга соя ташлаб қўйган. Бундан ташқари, баъзи меъёрига етмаган лавҳалар бор. Масалан, Маъмун қўзғолончилар бошлиғини чақиртириб юзма-юз учрашади. Лекин улар ўртасидаги ҳаёт-мамот баҳси ечилмай қолади, мақсад очилмайди. Агар муаллиф ҳам шу жойларини такомиллаштирса, спектакл ютган бўларди.

Асарга басталанган мусиқа воқеаларни кучайтиришга, қаҳрамонлар ҳис-туйғуларини ифодалашга хизмат қилган. Лекин бунда ҳам айрим қусурлар кўзга ташланади. Спектакл воқеалари мусиқада мотам, қайғу, алам руҳида ўтади. Бизнингча, икки ўрин қувноқ куйни талаб қилгандай. Бири, улуғ алломанинг дунёга келиши ва ҳаётга қадам қўйиши (спектаклнинг бошланишида) ҳамда унинг «Байтул-ҳикма»га кетишдаги хурсандчилиги дақиқаларидир.

Рассом С. Қодиров ўша замон руҳига мос саҳна безаги яратганини таъкидлаш лозим. Безаклар ишончли ва енгил чиққан. Шу билан бирга, икки турли кўринишдаги айрим бир хиллиликлардан воз кечилса, саҳна безаги янада гўзаллашарди. Араб рақсларини қўйган Д. Хонбобоева ўйинларни бироз кучайтирса ва кўпайтирса дуруст бўлар эди.

Актёрларга образларнинг характери ва моҳиятидан келиб чиқиб либослар танланган. Бу либослар бизни узоқ ўтмишга — ўрта асрга етаклайди.

Шуниси аҳамиятлики, Ҳамза номидаги Қўқон мусиқали драма театри буюк аллома ҳақида биринчилардан бўлиб саҳна асари яратди.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

ҲОРМАНГ, УСТОЗ!

Менга талабалар ҳар гал «устоз» деб мурожаат қилишганда ажиб ҳаяжондан танамга бир илиқлик югуради. Ва кўз олдимда устозим Муҳаммад ака Болтаевнинг мунаввар сиймоси гавдаланади. Ахир мен ҳам у кишига чуқур ҳурмат ила «устоз» дея мурожаат қиламан. Устоздан ниманидир ўрганишга, ўрганганларимни имтиҳондан ўтказишга ошиқиб яшайман. Зеро, «устоз» сўзининг улуғлиги ҳам шунда: Нимадир беришинг, ниманидир кашф этишинг керак!

... Айни кунларда табаррук 70 ёшга етиб, улкан ҳаёт довонларини забт этган Муҳаммад ака ўқув даргоҳимизнинг тарих-филология факултети қалдирғочларидан бири саналади. Дастлабки фаолиятини Бухоро аёллар педагогика билим юртида бошлаган устоз фалсафа тарихи ва мантиқ муаммолари борасида изланишларни давом эттириб, 1954 йили номзодлик диссертациясини ёқлади. Бироқ олимни буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино ва унинг маънавий меросини ўрганиш иштиёқи асло тарк этмади. Натижада кўп ўтмай «Ибн Сино ва унинг мактаби вакиллари асарларида гиссеология ва мантиқ муаммолари» номли фундаментал асар нашр-дан чиқди. Бу китоб билиш ва мантиқ тарихининг энг мураккаб муаммоларидан бири — Ибн Сино ва унинг икки издоши бўлган Фахриддин Розий ҳамда Носириддин Тусийларнинг мантиқий қараш-лари таҳлилига бағишланган. Китобни варақлар эканман, 1965 йилда чоп этилган бу асар чиндан ҳам ҳаётий, чиндан ҳам самимийлигига имон келтираман. Зеро, унинг самимияти, ҳаётчанлиги ростлигида, ошкоралигидадир.

М. Болтаевнинг «Абу Али ибн Синонинг фалсафий қарашлари», «Абу Али ибн Сино — ўрта асрларнинг буюк файласуфи» каби бир қатор асарлари устознинг билимдон ва зукко олим эканлигидан далолат беради. Тарихга ҳаққоний қарашлар кучайган бугунги кунда ҳам устознинг 60—70-йилларда ёзилган асарлари ўз салмоғини, қадр-қимматини йўқотмаганидан фахрланиб кетаман. Ва мени «устоз» дея чақиришганида ишларим, изланишларим, ижодимга устоз нигоҳи билан қарашга, устознинг йўлидан боришга жазм қиламан. Ўқитувчи — устозлар байрами тантаналари давом этаётган ушбу кунларда етмиш ёшида билим машъалини ёқиб, дилларга нур улашаётган Муҳаммад ака Болтаевга мустаҳкам соғлик тилагим, ҳорманг устоз, дегим келди.

Абира ҲУСЕЙНОВА,
Бухоро Тиббиёт институти маънавият ва маърифат ишлари проректори

ОНАНИНГ КЎНГЛИ...

Содиқ МАҲКАМОВ суратга олган

ҚЎШИҚҚА АЙЛАНГАН УМР

Тўйхат

Қарангки, қарийб қирқ йилдан буён овози сеҳри, санъати меҳри билан дилларда ғурур, қалбларда сурур уйғотиб келаётган севимли санъаткоримиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳадя Юсупова олтмиш ёшга кирибдилар. У кишини бахтли санъаткор, десак арзийди. Чунки бу санъаткорнинг ҳам ижод, ҳам ҳаёт йўлига кўплар ҳавас қилишади.

Санъат ихлосмандлари жуда яхши билишадики, 60-йилларнинг бошида Ҳадя Юсупова ижросидаги Миртемир сўзи билан айтиладиган «Бир гўзал», Саида Зуннунова сўзи билан «Ёр билиб» қўшиқлари телевидениенинг гоҳ у, гоҳ бу каналида ҳар куни ижро этиларди. Ўша йиллари кўрсатувлар олдиндан ёзиб олинмай, тўғридан-тўғри эфирга узатиларди. Ёш санъаткор ўқишга ҳам, ишга ҳам, уй юмушларию телевизордаги чиқишларга ҳам улгуришга ҳаракат қиларди. Унга санъатга, оилага бўлган меҳру муҳаббат мадад бўларди. Ҳадя Юсупова республика театрларида қўйилган «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам»да Шоҳсанам, «Нурхон»да Қумри, «Қизлархон»да Ойсулув, «Фарғона ҳикояси»да Баҳорой, «Равшан ва Зулхумор»да Зулхумор, «Ажаб савдолар»да Лола, «Зеби-Зебона»да Зеби каби қатор бош ролларни ижро этиб, элга нафақат қўшиқчи сифатида, балки театр актёри сифатида ҳам танилди.

1967 йили Х. Юсупова Ўзбекистон Маданият вазирлигининг йўлланмаси билан Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқа ва драма театрига ишга юборилди. Изланувчан санъаткор Бухорода ҳам самарали ишлади. 1971 йили академик Юнус Ражабий раҳбарлик қилган «Мақом» ансамблига ишга қайта таклиф этилиб, нафақага чиққунча шу ансамблда фаолият кўрсатди.

Ҳадя Юсупова шу кунгача 400дан ортиқ қўшиқ яратди, беш маротаба грампластинкаси чоп этилди.

Санъаткорларнинг ҳаёт йўли осон кечмаслиги, уларнинг турмуши тўғрисида ҳар хил гап-сўзлар юриши кўпчиликка сир эмас. Бу борада Ҳадя Юсупованинг умр йўллари турмушнинг тинч ва осуда суқмоқларига тушди. У кишининг бахтига турмуш ўртоғи Сайпулла Расулов ички ишлар ходими бўлсада, санъатни севадиган, санъаткорларни қадрлайдиган инсонлар тоифасидан чиқди. Ҳадя опа тақдири Сайпулла акадек инсон билан қўшилганидан миннатдор.

Бугунги кунда беш неваранинг бувиси ва буваси бўлган бу инсонлар бахтли ҳаёт кечиришмоқда. Халқимизнинг суюкли санъаткори, Маннон Ўйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институтининг доценти Ҳадя Юсуповани муборак 60 ёшлари билан барча мухлислари номидан қутлаймиз, у кишига умри боқий қўшиқдай узоқ умр тилаймиз.

Муҳаммад Ражаб ИМОМОВ,
Ўзбекистон радиоси «Олтин мерос» муҳарририяти Бош муҳаррири

Хорижий нашрларда

ТУҲФА



Германияда чиқадиган «WOSTOC» («Восток») журнали яқинда республикамиз санъатига бағишлаб махсус сон эълон қилди. «Ўзбекистон санъати: анъана ва замонавийлик» деб номланган ушбу нашр саҳифаларидан мустақил юртимиз санъати ва маданиятига доир мақолалар, суҳбатлар, рангли фотосуратлар ўрин олган. Жумладан, журнал бош муҳаррири Бритта Волленвебер хоним «Ўзбек замонавий тасвирий санъати — ўз тарихи сингари серқирра ва бой» номли мақоласида ўлкамизнинг маданияти ва санъати ҳақида сўз юритади.

Мақоланинг «Жавлон Умарбеков олами», «Леким Ибрагимов ранглари», «Акмал Нур умиди», «Акмал Икромжонов фалсафаси» деб номланган боблари билан танишар эканмиз, беихтиёр ушбу ижодкорларнинг гўзаллик оламига кириб борамиз. Шунингдек, профессор Акбар Ҳакимовнинг «Ўзбекистон амалий санъати», «Зардўзлик», олималар Сафара Алиеванинг «Қулолчилик санъати», «Заргарлик санъати», Комила Оқиловнинг «Миниатюра санъатининг қайта туғилиши», Шаҳло Баратованинг «Ўзбек сузаналари» мақолалари ҳам эълон қилинган.

«Нақадар бой эканлигимизни энди англаяпмиз» сарлавҳаси остида журнал бош муҳаррири Бритта Волленвебер хонимнинг «Ўзбекнаво» бирлашмасининг бош директор ўринбосари Бахтиёр Ёқубов билан ўзбек маданий ҳаётидаги залворли ўзгаришлар ҳақидаги суҳбати эълон қилинган.

Хуллас, барча соҳаларда бўлганидек, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги маданий алоқалар бундан буён ҳам тобора ривожланиб бораверади.

Мирзаали АКБАРОВ

Боши биринчи бетда

ПАРИЖДА ЧИҚҚАН ЎЗБЕК МАЖМУАСИ

эмас.

Иккинчидан, туркийзабон ва хорижлик туркийшунос мутахассис-тадқиқотчилар учун жуда ҳам зарур манба. Қолаверса, журналнинг тўлиқ сонлари дунёдаги айрим кутубхоналардагина бор, холос. Жумладан, АҚШнинг Нею-Йорк шаҳридаги Колумбия университети кутубхонасида мавжуд. Мақола изоҳига кўра. Мажмуанинг яна бир тўлиқ сонлари Анқара шаҳридаги Аёз-Тоҳир Туркистон-Идил-Урол вақфи кутубхонасида сақланади.

Учинчидан, вақфнинг ташкилотчиларидан бири ва вақф номига «Тоҳир» ўлароқ исми ёзилган профессор Тоҳир Чиғатой «Ёш Туркистон» нашри учун кўп ҳисса қўшган туркистонли ёш зиёли эди.

Яна, мақолада Туркистон матбуоти тарихининг кўлами (1870—1996) кўрсатилиб, «Ғарбий Туркистонда чиққан газета ва журналлар (1870—1919), Шарқий Туркистонда чиққан газета ва журналлар (1910—1949), Туркистон ташқарисида туркистонлилар томонидан чиқарилган газета, журнал ва бюллетенлар (1927—1996)»нинг хронологик рўйхати келтирилади. Муайян илмий асосга кўра, газета ва журналлар ким томонидан, қачон, қаерда, қайси тилда чоп этилгани адади кўрсатилади. Бу қимматли маълумотлар матбуотимиз тарихидаги айрим кемтикларни тўлдиришга ёрдам бериши табиийдир.

«Ёш Туркистон»нинг ўзига келайлик. Араб алифбосига асосланган ўзбек ёзувида чоп этилган мажмуа мундарижаси асосан, «Сиёсий бўлим», «Адабий бўлим» ҳамда «Туркистон хабарлари»дан таркиб топгандир. Имконимиз даражасида таниша олган 1—13-сонларда журналнинг ўзига хос йўналиши, мустамлакачи шўролар матбуотидан фарқланиб туриши, эркин фикрни баралла айтиши, жиддияти, курашчанлиги, ҳозиржавоблиги, тиришқоқлиги — ҳамма-ҳамма фазилати аниқ сезилади. «Ёш Туркистон»нинг ўз йўли, ўз мақсади, ўз ғояси ва аниқ вазифаси бор эди. Журналнинг биринчи сонида бошқарма томонидан таништириш учун ёзилган «Бизнинг йўл»дан шундай жумлаларни ўқиймиз: «Янги чиқа бошлаган ҳар бир сиёсий мажмуа ва газетанинг ўқувчиларга ўз сиёсий ғоя, йўли ҳам мақсадини танитиб кетиш одати бордир. Қонун ҳолига кириб қолғон бу одатга биз ҳам иярамиз.

Йўлимизни англатиш учун узун изоҳларга эҳтиёж йўқ.

Йўлимиз ва мақсадимиз «БИЗ ТУРКИСТОН ИСТИҚЛОЛЧИЛАРИ ЭЛИМИЗНИНГ ЭРКИ ВА ЮРТИМИЗ ТУРКИСТОННИНГ ҚУТУЛИШИ УЧУН КУРАШАМИЗ» жумласида хулоса этила биладир...

«Ёш Туркистон» ҳажми эътибори билан кичик бўлса ҳам, Озод ва Мустақил Туркистон байроғини кўтариш каби вазифани устига олиш ва шу йўлда хизмат этиш билан буюкдир».

Мажмуада М., М.Ч. имзолари билан Чиғатой, Эсан Турсун, Тоҳир Шокир, Тошболта, Темур ўғли имзолари билан Тоҳир Чиғатой; Абдулваҳоб, Жанай, Тўхтамиш ўғли, Илтар имзолари билан Абдулваҳоб Ўқтой фаол қатнашиб тўрган. Айни чоғда журналда учрайдиган Бир туркистонли, Алта Нўён, Ёш туркистонли, Туркистон истиқлолчиси, М.Н., Н.М., Бойсунғур, Билган, Откелтир, Туркистонли турк каби шартли имзоларнинг асл эгалари номаълумлигича қолиб келади. Буларни аниқлашда биздаги тажрибали тадқиқотчиларнинг маълумотлари иш бериб қолар, эҳтимол.

Мажмуа Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга миллият нуқтаи назаридан жиддий эътибор берганлигини инобатга олиб, эрксизлик ва қатағонлар авж олган давр тарихий шароитини нисбатан ҳаққоний ёритган, дейиш мумкин. Ундаги мақолаларда келтирилган фикрлар, рақам ва далиллар яқин ўтмишимиздан биз кўникиб қолган андозаларга нисбатан бошқачароқ сўзлайди, мустамлакачилар зулми остида эзилаётган миллатнинг ҳолини баён этади ва унинг бахт-саодати ҳамда эркини кўзлайди. «Болшевиклар тарихни қандай ёзадилар?» «Керинский ва Туркистон миллий ҳаракати» «Русиянинг бугунги вазияти ва туркистонлиларнинг вазифаси» сингари мақолаларда курашчанлик ва миллий руҳ нафаси уфуриб турибди.

«Адабий бўлим»да журналхонлар эътиборига туркистонли таниқли шоирларнинг шеърларидан намуналар тақдим этилган. Журналнинг биринчи сонидаёқ бутун борлиғини ва қалбини эркка эркин қўйиб берган шоир Абдулҳамид Чўлпонга дуч келамиз. Бошқарма унинг «Яп-роқлар»(шоирнинг яқинда нашр этилган «Асарлар»и I жилдида шеърнинг сарлавҳаси «Хазон» деб қўйилган) шеърини бера туриб, шундай сатрларни ёзади: «Қўлдан-қўлга кечиб ўқилиб юрган «Ялроқлар» 27-нчи йилги «мафкура майдонида кураш»ларда кўпгина шов-шувларга сабаб бўлгон ва у замон матбуот бетларида ҳам қисман кўриниб қолгон эди». «Ёш Туркистон»да «Ялроқлар»нинг берилиши тасодиф эмас, албатта. Чунки таҳririят ўз ғояси ва маслагига мос намуналарни саралаб-танлаб олар эди. Шоирнинг:

Ай, совуқ эллардан
муз кийиб келганлар
У кўпол товушингиз
кирларда йўқ бўлсин.
Ай, меним боғимда
мевамни терганлар
Коп-кора бошингиз
ерларга кўмилсин, —

деган мисралари ёш туркистончилар дилига ором берган бўлса ажаб эмас.

Фитратнинг «Миррих юлдузига» шеъридаги (7—8-қўшма сон) дардли мурожаат йўсини ҳам мажмуа моҳиятини ифодалайди:

Борми сенда бизим каби
инсонлар,
Икки юзли иш бузарлар
шайтонлар.
Ўртоқ қонин қонмай ичган
зулуклар,
Қардош этин тўймай еган
қоплонлар,

— тарзида битилган сатрлар 20-йиллардаги аввалги Фитрат руҳиятини намоён қилар эди. Аввалги Фитрат билан 30-йиллардаги Фитратни яхшигина фарқлаган ҳушёр «Ёш Туркистон» шеъридан сўнг «Бошқармадан», дея таъна оҳангида қўйидагиларни ёзади: «Юқоридаги шеърни Фитрат «миллат» ва «миллий руҳ»нинг қийматини топиб юрган чоғда ёзган эди. Бу кунларда эса (30-йиллар эътиборда тутилади — Б.К.) Фитрат «марксист» ва «байналмилалчи» бўлиб ўзининг эски «миллий руҳи»га бутунлай орқа ўгириб юрадир. Шундай бўлса ҳам, Фитрат бизлар учун бир туркистонли шоирдир. Унинг қимматли шеърлари учун мажмуамизнинг саҳифалари ҳар доим очиқдир».

Бу жилддаги журналларнинг адабий бўлимларида Мағжон Жумабой, Элбек ва Илтар(Абуваҳоб Ўқтой) шеърларидан намуналар берилгандир.

Хуллас, ўзбек матбуоти тарихидан ўзига хос ўрин олиши лозим бўлган, ўн йил мобайнида Парижда нашр қилиниб турган истиқлолчи «Ёш Туркистон»нинг 117 сонининг Аёз — Тоҳир Туркистон — Идил — Урол вақфи ташаббуси билан Истанбулда ўн жилдга жойлаб қайта оммалаштиришга киришилганлиги ва биринчи жилдининг дунё юзини кўрганлиги бизнинг маданий-маърифий ҳаётимиздаги қувончли янгиликлардан биридир.

Бу ажойиб хайрли воқелик муносабати билан фикр ўйғонади: бизнинг кутубхона ва архивларимизда аср боши ва 20-йилларга оид ноёб журналлар талайгина. Таассуфки, улар бироз ночор аҳволда, айримлари ўз умрини якунлаш арафасида турибди. Жонкуяр мутасаддилар ташаббусни қўлга олиб, ўша манбаларни фотонусха қилида қайта нашр этилса, айни муддао бўлур эди.

Демак, «Ёш Туркистон»нинг иккинчи умри маънавий хазинани асл ҳолида асраш учун ҳам ибратли намуна бўла олади.

Навоийхонлик

МУНГЛИ МАКТУБЛАР

Алишер Навоий ўз мактубларини тўплаб, «Муншаот» тузганлигини адиб ижодининг мухлислари яхши биладилар. Лекин ана шу асарнинг биздаги нашрлари мукаммал эмас. Ҳали Навоийнинг мазкур нашрларга кирмаган бир қатор хатлари бор. Биз ана шундай битиклардан тўрттасини эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

Ушбу мактублар билан биз биринчи марта Туркияда сақланаётган қўлёзманинг адабиётшунос олим Ю. Турсунов томонидан тақдим этилган фотонусхаси орқали танишган эдик. Кейинчалик бу хатларнинг учтаси мамлакатимизда сақланаётган айрим қўлёзмаларда ҳам мавжудлиги маълум бўлди. Ҳар тўрт мактуб ҳам юксак бадиият билан битилган бўлиб, иншо санъатининг етук, гўзал намуналари сирасига киради. Шу билан бирга уларнинг тадқиқотчилар диққатини жалб этувчи, ўйлашга, изланишга йўлловчи жиҳатлари ҳам бор. Жумладан, биринчи мактубнинг тепасида «Мирзо тилидин» деган сўзлар ёзилган. Мазкур мактубда подшоҳ фарзандларидан бирининг фожиали ўлими муносабати билан подшоҳнинг чеккан изтироблари, мотами унинг ўз тилидан баён этилган. Маълумки, адабиётда шундай приём бор. Унда ижодкор бошқа бир киши тилидан ёзади, унинг туйғу ва кечинмаларини ифодалайди. Дастлаб биз Навоий бу ўринда ана шу усулдан фойдаланган, деган фикрда эдик. Лекин бир ҳолат бу фикримизнинг тўғрилигига шубҳа уйғотди. Гап шундаки, мактуб таркибида бир байт ва рубоий бор. Текширишлар ана шу рубоийнинг Ҳусайн Бойқаро девонида мавжуд эканлигини кўрсатди. Шунга кўра мактубни Ҳусайн Бойқаронинг ўзи ёзган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас, деб ўйлаймиз. Иккинчи томондан, Навоийнинг юқорида тилган олинган усулдан фойдаланган ва бу усулнинг муваффақиятли чиқиши учун Ҳусайн Бойқаро шеърини хатга киритган бўлиши мумкинлигини ҳам истисно қилиб бўлмайди. Хуллас, бу тўғрида узил-кесил хулоса чиқариш қийин.

Мактуб «Фарзанди шаҳиди марҳум Бобобек фироқида» деган сўзлар билан бошланади. Мазмунан шу мактуб билан боғлиқ бўлган ва таъзиянома йўсинида ёзилган кейинги икки мактубнинг бирида ҳам Навоий ушбу номни тилга олади. Маълумки, Хондамир, Бобур сингари адибларнинг асарларида Ҳусайн Бойқаро авлодлари ҳақида маълумотлар берилган. Аммо улар орасида Бобобек исми учрамади. Бу хусусда мулоҳаза юритиш асосида бизда икки хил тахмин пайдо бўлди. Биринчиси, маълумки, айрим шаҳзодаларни уларнинг асл исмларидан бошқа отлар билан аташ ҳам расм бўлган. Бунга мисол тариқасида Улуғбекнинг асл оти Муҳаммад Тарағай бўлганлигини ёки Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Ферузни тахтга ўтиргунга қадар Бобожон тўра деб аташганини эслаш кифоя. Шунга ўхшаб Бобобек ҳам шаҳзодалардан бирининг оила даврасидаги номи бўлиши мумкин. «Фарзанди шаҳиди марҳум» дейилишига қараганда у ўз ажали билан ўлмаган, яъни ўлдирилган. Тарихдан маълумки, Ҳусайн Бойқаро тириклик пайтида унинг бир неча ўғиллари вафот этишган, лекин невараси Мўмин Мирзодан бошқа ҳеч қайси ўлдирилмаган. Эҳтимол, Мўмин Мирзони Бобобек деб ҳам аташгандир?

Иккинчи тахмин. Подшоҳлар, беклар ва бошқа олийнасаб кишиларнинг даргоҳларида уларнинг ўз фарзандларидан бошқа яна кўплаб кишилар яшаганлар. Улар орасида подшоҳнинг меҳрини қозонган, унга беҳад яқин бўлиб қолган кишилар ҳам бўлган. Ана шундайларни ҳам илтифот юзасидан фарзанд, деб атаганлар. Эҳтимол, Бобобек ҳам шуларнинг биридир? Шунинг учун мактубда унинг исмига мирзо сўзи қўшилмагандир? Чунки бу сўз одатда темурий шаҳзодалар исмига қўшилган.

Бу тахминларнинг қайси бири ҳақиқатга яқинроқ эканлигини кейинги тадқиқотлар кўрсатади, албатта.

Навбатдаги икки мактубдан бирининг тепасига «банда тилидан», деган сўзлар битилган бўлиб, ҳар икки хат ҳам юқорида айтиб ўтганимиздек таъзия билдириш, тасалли бериш мазмунида ёзилган.

Мактубларнинг тўртинчисининг мазмунидан унинг Абдураҳмон Жомий вафоти муносабати билан ёзилганлиги англашилади. Шу жиҳатдан битик алоҳида диққатга сазовордир. Устози ва дўстининг вафоти Навоий учун катта йўқотиш бўлганлиги яхши маълум. Бу воқеа туфайли чеккан изтироблари, кечинмалари шоирнинг Жомий вафотига бағишлаб ёзган марсиясида ҳамда «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарида акс этган. Мактубнинг мазмуни ана шу асарлардаги сўзлар билан ҳамоҳангдир. Биламизки, Навоий Жомийнинг дафн маросимида бош бўлиб турган, бу икки буюк шахс ўртасидаги муносабатларни яхши билган кишилар Жомий вафоти Навоий учун нечоғли оғир мусибат эканлигини ҳис этганлар ва аза соҳиби сифатида ундан кўнгил сўраб, таъзия билдирганлар. Мактуб ана шулардан бирига жавоб сифатида ёзилган. Унинг услубидан олий мақом шахсга, ҳукмдорлардан бирига ёзилгани сезилиб туради. Навоий «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарида атрофдаги вилоятлардан ҳам кўнгил сўраш, таъзия билдириш учун кишилар келгани ҳақида ёзар экан, Бадиуззамон мирзонинг Мозандарондан махсус қишилар юбориб, таъзия билдирганини алоҳида таъкидлаб ўтган. Фикримизча, хат шу муносабат билан Бадиуззамонга ёзилган бўлиши керак.

Улуғ шоир «Муншоот»ининг биздаги нашрларига кирмаган яна бир қатор мактублари мавжуд. Уларни ҳам эълон қилиши ниятимиз бор. Ўйлаймизки, газетамизнинг кейинги сонларида ўқувчиларимиз қолган хатларни ўқишга муяссар бўладилар.

Қодиржон ЭРГАШЕВ,
ЎзР ФА Тил ва Адабиёт институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

МИРЗО ТИЛИДИН

Фарзанди шаҳиди марҳум Бобобек фироқида:

Эй фалак, ороми руху, муниси жоним қани?
Субҳи айшим меҳри-ю, маъми шабистоним қани?

Эй чархи жафокор, не ситамлар қилдинг,
Жонимни нишонаи аламлар қилдинг,
Муҳлик нафасим ўтин аламлар қилдинг,
Узрунгни қўлай чу карамлар қилдинг.

Бу ғамфарсуда таним туфроғин совурурға оҳ ели бас эрди, бир сарвни йиққунча сар-сари ҳожат эрмас эрди ва бу хунолуда кўзим чароғин тийра қилурға қаро бахтим саводи етар эрди, бир қуёшни қаро ерга кийурмак керакмас эрди. Жонимни олурунг етмасму эрдиким, кўзим қонин оқузуринг бас эрмасму эрдиким, жонимға ажал тиғи сурарға бедод кўргуздинг. Менга қилған зулмни ҳеч подшоҳға йўққим, ҳеч гадоға раво кўрмадинг ва менга урган бедод тиғин ҳеч комгорға, йўққим ҳеч бенавоға урмадинг. Бошимға келган турлук-турлук ғаму аламғаму ўқурай, жонимға юзланган бир-бирига ўхшамас мотамғаму кўксумга тош урай! Ўз андуҳларимни битсам қайси бирин номада мастур этай ва ўз меҳнатларимға йиғласам қай бирин навҳада мазкур этай. Жонимдек дарду бало поймоли йўқ эркандур, умид улким бўлмағай ҳам, кўнглумдек ғаму ибтило андуҳининг ошуфтаҳоли мавжуд эмас эркандур, ёрабки, вужуд тутмағай ҳам. Магар ҳақ субҳонаҳу ва таоло маҳзи лутфу иноятн карамидин ғоятсиз дардима даво ва ниҳоятсиз маразу заъфима шифо каромат қилғай. Ва ҳидоят шамъин андоқ ёрутқайким, анинг партавидин тийра кўзум очилғай ва ўз жонбидин андоқ жазбу ошнолиғ еткургайким, ўзидин-ўзга ҳеч ниманинг шаммаи асари замиримда қолмағай ва ўз дарду шавқин кўнглумға андоқ муставли қилғайким, анинг ёдидин ўзга ҳеч нима кўнглум ҳаримида йўл топмағай.

Толиб мени-ю ўзини матлуб этгай,
Роғиб мени-ю ўзини марғуб этгай,
Ошиқ мени-ю ўзини маъшуқ этгай,
Ишқин қолиб, кўнгулни мағлуб этгай.
Омин, ё Роббил оламин.

БАНДА ТИЛИДИН

Ёраб, ул давлат қуёшининг заволи бўлмасун,
Нуридин кам бўлмоғининг эҳтимоли бўлмасун.

Қуллуқ арзадошт улким, жон асосиға бақо йўқтур ва умр биносиға вафо йўқтур. Замона гулшанида қайси ғунча нишот била кулдиким, ҳодиса тундбодидин тўкулмади. Ва даҳр гулистонида қайси гул инбисон била очилдиким, воқеа сарсаридин сочилмади. Умр чаманининг гули хорсиз очилмайдур ва ҳаёт анжуманининг мули хуморсиз топилмайдур. Бақо сарчашмасидин сароблиғ қайда мумкин, чун «кулли ман алайка фанин» соғари илан бермас ва тириклик шарбатидин шодкомлиғ не мутасаввир чун «кулли нафсин зойиқат ул-мавтан» қадаҳидин гузир эрмас. Ҳар шамъи тирозки, бир шабистонни мунаввар қилди, бир офат ели они мукаддар қилди. Ва ҳар сарвинозким сарафрозлиғ ҳавоси тутти, бир ҳалокат самуми они тубидин қурутти. Аммо гул тўкулса, умид улким гулистони сероб поянда ва бардавом бўлғай ва агар шамъ ўчса момул улдурким, хуршеди оламтоб тобанда ва мустадом бўлғай, омин, ё Роббил оламин!

ҚУЛЛУҚ АРЗАДОШТ УЛКИМ

Сўлса бир гул гулшани иқбол бўлсун мустадом,
Ботса бир кавкаб саодат чархи бўлсун бардавом.

Фарзанди марҳум Бобобекки,
Ҳақ таолодин ўлсун қабри пурнур,
Равони жаннатул маъвода масрур.

Азоси бобида дурбор қаламдин гуҳарнигор рақамким, сафҳаи кофурий нажодни нуктаи мушкин савод била оройиш бериб эрди — етишти. Сафҳа демайким гулистоне эрур равзаи фирдавси аълодек юз турлук гул ва насрин била ораста ва руқъа демай, бўстоне эрди гулшани жаҳонородек юз туман мулавван раёҳин била пийроста.

Алфози ул фарзанднинг зоҳиридек борча ҳамида сифот била тузалган, маонийси анинг ботинидек борча писандийда ахлоқ била безалган, руҳпарварликда анинг жонафзо баёнидек масиҳмисол ва руҳгустарликда анинг ҳаётосо алҳонидек довудмисол.

Умид улким то анга фано хилъатгоҳида бенишонлиғдур сенга бақо хилватгоҳида комронлиғ бўлғай ва то анга адам кахтида фарсудалиғдур, сенга вужуд тахтида осудалиқ бўлғай.

Вужудинг халқ учун кўп йил саломат,
Саломат бирла минг йил истиқомат.

Омин, ё Роббил оламин, вассалом.

Қуллуқ дуодин сўнгра арзодоит улким, иноят нишонида ҳазрат ҳақойиқ паноҳ навараллоҳу марқадаҳу ва жаллжанната масвоҳу нур ҳодиса вафотларин сўруб эрдилар, ҳақ субҳонаҳу ва таоло ул ҳазрат зоти малаксифотин аҳли олам учун кўп йиллар боқий ва поянда тутсун ва давлатларининг хуршидини жовид музий ва тобанда асрасун. Муборак хотирға равшандурким, «Кулли ман алайҳа фанин» каримаси манзуми била ҳар кимгаки бақо жомидин нашъа етишти фано хуморини тортардин гузири йўқтур ва «Кулли шайъин ҳолики илла важҳаҳу» ояти мазмуни била боқийи мутлақ ва ҳаййи барҳақ вужудидин ўзга жамиъ ашёға заҳри ҳалок жомин ичардин чора йўқ. Ва бу фано мақоми бақо дорус-саломи йўлида бир манзилдурки, «кун фид-дуня к-аннака ғарибун ав-обири сабилин» андин хабар берур. Ваа аҳлуллоҳким бу йўлдин ва бу манзилдин огоҳдурлар ўзларига бу водий қатъини осон ва дори фанонинг бору-йўқини яксон қилибдурлар. Алар бу маҳалли ҳаводисдин «фи мақъади сидқин инда малики муқтадир» ға роғиброкдурлар. Аммо фақирларким аларнинг шариф зотлари баракотидин маҳжур ва жонбахш такаллумлари оби ҳаётидин маҳрум қолурлар, ҳар ойнаким мужиби сўғи абадий ва боиси мотами сармадийдек бўлур. Аммо ул ҳазратдек сўрғучи бўлса, кўнгул ғамидин не ғам ва хотир аламидин не алам.

То жоми бақоға маст бўлғай Жомий,
Кавсар майидин бўлғой анинг ошоми,
Шаҳ жоми ичида бодаи гулфоми,
Бўлсун тўлаву ҳамиша андин коми.

МАНЗУРА ҲАМИДОВА

Ўзбекистон халқ артисти Манзура Ҳамидовонинг вафоти ҳақидаги хабар миллий театр санъатимизнинг барча ихлосмандлари қатори бизни ҳам чуқур қайғуга солди. 84 йиллик умрининг аксарини эл-юрт хизматига бағишлаган Манзура Ҳамидова ўзбек маданиятининг йирик намояндаси эди.

1930 йили Тошкент шаҳар босмахонаси қошидаги ҳунар-билим юртида таҳсил олиб юрган кезларидаёқ у билим юртида ташкил этилган ёш ҳаваскорлар тўгарагида фаол қатнаша бошлайди. Тўгарак раҳбарлари ундаги ноёб истеъдодни илғаб, катта санъат сари йўллайдилар. Худди шу даврдан бошлаб, М. Ҳамидованинг бутун онгли ҳаёти театр санъати билан чамбарчас боғлиқ бўлди.

1933 йилдан бошлаб аввал босмахона қошидаги халқ театрида, сўнгра Сурхондарё вилоят театри ва Муқимий номидаги мусиқий театрда ижод қилган Манзура Ҳамидова 1943 йилдан буён умрининг охиригача Республика ёш томошабинлар театрида фаолият кўрсатиб келди.

Ўзининг олтмиш йилдан зиёд ижодий фаолияти давомида у театр саҳнасида, кино ва телефилмларда ўнлаб турли-туман образлар сил-силасини яратиб, халқимиз меҳрини қозонган. **«Номус ва Муҳаббат», «Фарҳод ва Ширин», «Майсаранинг иши», «Меҳр кўп кўргаздим», «Меҳрибонлар»** сингари кўплаб спектакллларда санъаткор ижро этган бош қаҳрамонлар образлари ўзининг жозибаси, бадиий теранлиги ва юксак профессионал ижроси билан ўзбек миллий актёрлик санъатининг ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Санъаткор ўзбек театр саҳнасининг ва ёш томошабинларнинг мўътабар Онахони эди. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий камолотида унинг хизматлари катта.

Манзура Ҳамидова ойнаи жаҳон орқали намойиш этилиб келаётган **«Оталар сўзи — ақлнинг кўзи»** кўрсатувининг доимий ижодкорларидан бири сифатида томошабинларнинг чинакам ҳурматини қозонди. Айниқса, унинг ижросидаги мунис ва мушфиқ оналар қиёфаси халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган.

Манзура Ҳамидованинг ибратли серқирра фаолияти муносиб баҳоланди. У **«Ўзбекистон халқ артисти»** фахрий унвонига, биринчилардан бўлиб **«Меҳнат шуҳрати»** орденига сазовор бўлди.

Ўзбек халқининг суюкли фарзанди, устоз санъаткор ва меҳрибон она Манзура Ҳамидованинг ёркин хотираси халқимиз қалбида абадий сақланиб қолади. Марҳуманинг оила аъзолари, яқинларига сабр-тоқат тилаймиз. Онахоннинг охиратлари обод бўлсин!

И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ў. СУЛТОНОВ, Ҳ. КАРАМАТОВ, Д. ҒУЛОМОВА, Т. АЛИМОВ, Н. ЖЎРАЕВ, Х. ЖЎРАЕВ, Т. ЮНУСОВ, М. АБДУКУНДУЗОВ, М. ЙЎЛДОШЕВА, О. САЛИМОВ, З. МУҲАММАДЖОНОВ, Р. ИБРОҲИМОВА.

Қутлаймиз

ИЖОДКОР ҲАМКАСБИМИЗ

Ватанимизда биз билан ҳамнафас бўлиб, бошқа миллат вакиллари ҳам яшайдилар. Улар ҳам бизнинг юртдошларимиздир, мустақил Ўзбекистонимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароларидир. Уларнинг рангбаранг миллий анъаналари, маданиятлари, адабиёти ва санъати она диёримиз заминида ўз мавқеига, қадру қимматга эга.

Ушбу маънавий қадриятларнинг шакли турли-туман бўлса ҳам, мазмуни битта — инсонга муҳаббат, Ватанга оқибат, дўстга садоқат. Бу **«шаклан — миллий, мазмунан — социалистик»** дегани эмас, шаклан — инсоний, мазмунан ҳам — инсоний дегани дир. Шаклан ҳам, мазмунан ҳам — миллий дегани дир. Мустақилликнинг, ҳақиқий эркинликнинг маъниси шунда. Зеро, миллийлик мустақилликсиз, мустақиллик миллийликсиз яшай олмайди. Ҳақиқатан ҳам, миллийликнинг манбаи мустақилликда, мустақилликнинг асоси миллийликдадир.

Мустақиллик шарофати билан миллатлар дахлсиз, эмин-эркин яшамоқда, миллий маданиятлар мустақил ривожланмоқда. Барча миллат ёзувчиларининг ижод эркинлиги ҳуқуқи бирдай таъминланган.

Юртимизда яшаб ижод қилаётган ана шундай ёзувчилардан бири — Яҳё Тоиров. Уйғур ёзувчиси Яҳё Тоиров ўзига хос маҳоратли қалам соҳибидир. Унинг жўшқин, ҳаётий асарлари адабиёт ихлосмандлари меҳрини қозонган.

Ўз меҳнат фаолияти давомида Яҳё Тоиров Алмати шаҳрида уйғур тилида чиқадиган **«Уйғур овози»** ва **«Янги ҳаёт»** газеталарининг Ўзбекистон бўйича мухбири, Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси хорижий мамлакатлар учун уйғур тилидаги эшиттириш таҳририяти муҳаррири, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси уйғур тилидаги эшиттириш таҳририяти катта мухбири вазифаларида хизмат қилди. Ҳозир эркин ижод билан шуғулланмоқда.

Яҳё Тоировнинг **«Кўзлар»** номли илк қиссаси 1969 йилда **«Жазуши»** нашриётида чоп этилган. **Кейин «Ақида», «Дунёга бир келамиз», «Тор кўчадаги ой», «Меҳр»** каби қиссалар ва ҳикоялар тўпламлари нашр этилди.

Яҳё Тоиров 1980 йилдан эътиборан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Бу йил истеъдодли ёзувчи ва оташин журналист Яҳё Тоиров таваллудига 60 йил тўлади. Ҳамкасбимизни шу муносабат билан қизғин табриклаймиз. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Саиджон СОТИШЕВ

Ғулом МИРЗО

ХАЗОНЛАРҒА ИШОНМА, ЮРАК



СУНБУЛА

Хазонларга ишонма, юрак
Видо фасли эмас — бу фасл.
Қара, анҳор — мавж урган бир барг,
Зангорлашиб борар муттасил.

Куз — бу фақат баргрезон эмас,
Ё қоролди тушгич қировлар.
Кўча бўйлаб чанг-тўзон эмас,
Олма сочиб қатнар уловлар.

Кўлотларда тарвузлар пишди —
Кўгалликнинг лўнда ташбеҳи.
Тугилса-да анорнинг мушти,
Ҳануз кўкдир тошмурут, беҳи.

Сарғармоққа, инон, анча бор,
Нечун сўлмоқ айрилмасингдан?..
Ҳали узоқ адашгай баҳор,
Ёр қошининг қайрилмасида.

Видо фасли эмас бу фасл.
Боқ, теграмиз тўлиб бормоқда,
Салом учун узатилган қўл —
Ҳаяжондан мустар ялпоққа...

Кўкка занжир солди турналар,
Кетолмагай ҳеч ким, ҳеч ёққа.
Қасамимга ишонмасанг гар,
Ишонарсан бақасам боққа?!.

Видо фасли эмас — бу мавсум...

ЙЎҚЛОВ

(Мафтуна қизалоғим хотирасига)

Назарлар биз томондир,
Гузарлар биз томондир,
Кўнглимиз тўс-талондир.

Не яхши, не ёмондир, —
Бир кун оларкан, Эгам.
Ҳордиқ берганнинг Ўзи,
Тортиқ берганнинг Ўзи,
Ортиқ берганнинг Ўзи,
Тортиб олар қачондир.
Бир кун оларкан, Эгам.

Ҳушдек келиб-кўчгай жон,
Тушдек кириб-ўчгай жон,
Қушдек қўниб-учгай жон,
Жонки, омонат жондир,
Бир кун оларкан, Эгам.

Дард ичра куйган, болам.
Дорига тўйган, болам.
Азроил суйган, болам —
Ер бағрида ниҳондир...
Бир кун оларкан, Эгам.

Назарлар биз томондир,
Гузарлар биз томондир...

* * *

Турналар, сиз билан бирга қайтаман,
Киндик қоним томган ерга қайтаман.

Сизнинг тасбеҳингиз —
менинг ташбеҳим,
Шода-шода тизиб, шеърга қайтаман.

Юз йилки, ичикиб доғ бўлди дилим,
Энди қизғалдоқзор қирга қайтаман.

Қахратон қаҳридан, зулмат бағридан
Офтобга қайтаман, нурга қайтаман.

Ахир, қачонгача гирён, сарғариб,
Соғинганда — хавотирга қайтаман?..

ҲОЛАТ

Шеърни йўқотиб қўйдим
Лайлога яқинлашгач.
Дурни йўқотиб қўйдим
Дарёга яқинлашгач.

Малаклардай чирқираб,
Варраклардай чирпираб,
Ерни йўқотиб қўйдим
Самога яқинлашгач.

Исрофил, чал мусиқа,
Мусиқанг — бунча сийқа,
Сирни йўқотиб қўйдим
Садога яқинлашгач.

Кўксимга қўйганча бош,
Бағримда йиғлар Қуёш:
— Нурни йўқотиб қўйдим,
Дунёга яқинлашгач...

ТИЙРАМОҲ

Деразам ёнидан ёмғир
Узлуксиз карвондек кечар.
Ҳубоблар қўнғироқ янглиғ
Узилиб сувларга тушар.

Деразам ёнида ёмғир
Ғалати подшога менгзар.
Ғалати ҳукмлар ўқир,
Бетахту-бетожу-безар.

Деразам ёнида ёмғир
Кимгадир маҳталга ўхшар.
Томчидан гулдаста тўқир,
Сувлардан поёндоз тўшар.

Деразам ёнида ёмғир
Бир қушга ўхшайди, инсиз.
Ўйлари — теран ва оғир,
Куйлари — мунгли ва тинсиз.

Деразам ёнида ёмғир
Ойнамни чертади узоқ.
Деразам ёнида ёмғир —
Хазину шалаббо Тийрамоҳ...

«ЯХШИЛАР ҲАМРОҲИМ»

Дунё муттасил ўз бошидан ўзгариш жараёнини кечиради. Зеро, дунёда ўзгаришни билмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Бироқ меҳр-муҳаббат аталмиш бир қудрат борки, у замон ўзгаришларию давр тўфонларига бардошли. Одамзод эса мудом шу буюк қудрат — муҳаббатни қўмсаб, муҳаббатга талпиниб яшайди. У қачон ва қайда бўлмасин, меҳр қуёшидан баҳраманд бўлмоқ учун яхшилар даврасига интилади. Тақдирнинг оғир синовларига бардош бериб, ёруғ кунлар келишига, эзгулик ғолиб чиқишига дилдилдан ишонади.

Яқинда **«Насаф»** нашриётида босмадан чиққан Абдивали Сафаровнинг **«Яхшилар ҳамроҳим»** шеърий китобини ўқиб шундай мулоҳазага келасиз. Муаллиф ўзи айтмоқчи бўлган гапни содда ва самимий ифодалар экан, ўқувчига «ажаб қизиқ дунё»да муродинг фақат яхшилик бўлсин, дея тилак билдиради. Зотан, шоир **«яхшилик илкида — буюк одамзот»**, деган тўхтамга келган. Унинг билгани аслида ҳам шу. Бинобарин, у ўзига ва ўзи орқали барчага

Етар Вали назар сол,
Яхшилар кўп дунёда —

дея мурожаат этади. Бу унинг ҳаёт ҳақидаги хулосаларидан яна бири.

Шунингдек, А. Сафаров болаларга бағишланган содда, равон шеърий сатрлари қатига ҳаёт ҳақиқатларини самимият ила яширимоққа интилади.

Хуллас, **«Яхшилар ҳамроҳим»** китоби олам ва одам дардини, бахт қувончини теран англаган кўнгил садоларидир.

Китоб 1000 нусхада чоп этилган. Муҳаррир С. Мейлиев. Рассом Р. Эшмуродова.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, республика Ёш томошабинлар театри ижодий жамоаси Ўзбекистон халқ артисти **Манзура ҲАМИДОВА**нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси Ўзбекистон халқ артисти Вилоят Оқиловага синглиси **Зулайҳо Исоҳоровна ОҚИЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БАХТЛИ ТАСОДИФ

Сабоқ

Бундан роппа-роса 35 йил илгари мени Тошкентдан Фарғона Давлат Университетига ишга жўнатдилар. Одатда юқори лавозимдаги ўқитувчиларга ҳайиқиброқ қарайдиган талабалар негадир мени ўзларига яқин олишди. Тез орада талабалар билан устоз-шогирд бўлиб кетдик. Гарчи ҳозир унутилиб кетаётган бўлса-да, ўша пайтларда туғилган кунлар, турли байрамлар муносабати билан одамлар бир-бирларига китоб совға қилишарди. Китобни совғага олганлар уни алоҳида муҳаббат рамзи сифатида асрардилар.

Ўшанда шогирдларимдан бири менга Абдулла Ориповнинг **«Онажон»** номли шеърий тўпламини совға қилганида жуда хурсанд бўлганман. Аммо ҳозир устоз бўлиб шогирд меҳридан севинганим ҳақида гапирмоқчи эмасман. Узоқ умрим давомида менга ҳам унча-мунча китоб совға қилинган. Лекин Ўша 35 йил илгариги воқеа сира эсимдан чиқмайди.

Мақсадга кўчишдан аввал яна бир нарсани айтиб ўтай. Ҳозир шеърий китобчалар ниҳоятда кўп. Уларнинг аксариятини бугун ўқиб, эртага унитасан. Лоақал бирор сатри ҳам эсингда қолмайди.

Хуллас, машҳур шоирнинг **«Онажон»** номли мўъжазгина тўпламини ҳали-хамон унутмаганимга, китоб совғасидан кўра, ундаги ажойиб шеърлар сабаб бўлган бўлса, китобчани ҳануз ўзимга қадрдон деб билишимнинг яна бир сабаби бор. Бу — ундаги **«Темир одам»** сарлавҳали шеърдир. Мен бу шеърни ўқиб жуда таъсирланганман. Чунки меҳр-муҳаббат каби умум-инсоний, қолаверса, ўзбекона урфлар, миллий қадриятлар секин-секин унутилиб бораётган бир замонда ёзилган **«Темир одам»** шеъри муаллифдан катта талант ва ўткир ақл талаб қилганки, шеърнинг қиммати ҳозир ҳам беназир. Шеърда бир олим оддий темирдан ақл-заковатли **«одам»** (робот) ясайди. Шоир **«Темир одам»**нинг ақлига тан беради, лекин унинг қалби йўқлигидан куюниб, ақл-заковати бўлса-да, қалби йўқлар — тирик темирга айланган одамлар атрофимизда кўп, дейди ва олимга:

Темир одам ясаб
юргунча, кўпроқ,
«Жонли темир»ларни
ўйлангиз, устоз.

дея хитоб қилади. Мазкур шеърни ўқиб бутун миллат тақдирини ўйладим, десам мақтанган бўламан. Аммо атрофимдаги одамларни ўйлаганим рост. Биласизми, денгизнинг устидаги ошкора тўлқиндан кўра унинг остидаги кўринмас тўлқин кучли бўлади. Атрофга боқиб, одамларнинг маънавий турмушида бир қадар нохуш ўзгаришлар юз бераётганини сезардим. Ҳозирги кунларда тез-тез гувоҳ бўлиб турганимиз, меҳрсизликнинг фожиалари илдизи ўша олис йилларга бориб тақалса не ажаб. Шеър мутолаасидан кейин нафақат атрофимдаги **«темир одамлар»**га ачиндим, шунингдек, инсонларга нисбатан садоқатли меҳр-мурувватли раҳм-шафқатли бўлишни инсонлик бурчим деб тушундим. Бугун айта оламанки, менга мураккаб ҳаёт йўлида **«Темир одам»** шеърининг озми-кўпми фойдаси тегди. Аммо бандаман деганнинг эси кеч кирар экан. Мен ўша йилларда масаланинг бошқа бир жиҳатидан бутунлай ғофил қолибман...

* * *

«Ғойибдан келажак бахт— бир афсона» деганларидек, биз бугун асл баҳосини айтиб беролмаётган Ватан озодлиги бир афсонавий бахт бўлди. Бугун сўз эркинлиги бор. Халқнинг моддий ва маънавий ҳаётидаги айрим камчиликларни ошкора айтиш, агар ақлимиз етса, азбаройи миллат тақдири ва жамият ривожи учун ёшларга маслакдош бўлиш, барчамизнинг бурчимиз. Мен яқинда **«Сўзлашиш санъати»** номли бир китобни ўқишга муяссар бўлдим. Тўғрисини айтсам, менга бу китоб қаттиқ панд берди. Негаки, мен ҳаётим давомида яхшиликни ўзимга касб қилишга қанчалар уринмай, умримни беозорлик билан ўтказишга нечоғли тиришмай, барибир, ўзбек эканимни унутиб қўйибман. Зеро, ўзбек миллатига мансуб одам фақатгина дили билан эмас, тили билан ҳам гўзал бўлар экан. Китобни бир ўтиришда ўқиб чиқдиму, мулоҳаза юритиб, ўзимнинг баъзи қусурларимдан уялиб кетдим. Кўп йиллар Ўрусия шаҳарларида яшаганим учун русларнинг юриш-туришидан тортиб, муомаласигача қонимга сингиб кетганига кўниб яшаётганим ҳам, бирор киши билан суҳбатлашсам, фикримнинг ярмини ўзбекча, ярмини русча ифодалашим ҳам кечирилмас нуқсон эканини бугун тушуниб турибман. Аминманки, **«Сўзлашиш санъати»** китобини ўқиб чиқсангиз, сўзларимнинг самимий эканига ишонасиз, қолаверса, муомала бобида ўзингизда ҳам камчилик топишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас.

Тан олиш керак. Узоқ йиллар мобайнида тилимизнинг лойқалангани, кўпчиликнинг (Москавада яшамаган бўлса ҳам) менга ўхшаб **«ўрисвой»**га айлангани оддий ҳақиқат. Бугун келинларимиз, қизларимиз, ўғилларимизнинг миллийликдан узоқлашганини ҳам инкор қилолмаймиз.

Мана, сўзлашиш одоби, суҳбатдош бўлишнинг ўзига хос сир-синоати ҳақидаги китобни ўқиб, сўзлашиш маданияти борасида ўзбекка етадиган миллат дунёда йўқлигига биринчи марта гувоҳ бўлиб турибман. Ёш олим сўзнинг илоҳий воситаси эканини миллат характерида ифодалаб бераркан, сўз қадрини жуда юқори баҳолайди.

Рус олими Василий Налимов **«Тилнинг нисбий модели» китобида шундай дейди: «Агар ўзга сайёралик ер шарига тушиб, ердаги ҳаётни ипидан игнасигача текшириб чиққанида ўз сайёрасига шундай хабар қилган бўлар эди: «Ер юзида ўзини энг ақлли мавжудот ҳисоблагувчи «инсон» аталмиш бир жонзот яшар экан. Инсон бу дунёда ақл бовар қилмайдиган бир нарсани, яъни «сўз»ни кашф қилганки, оқибатда ўзи мана шу кашфиётининг шафқатсиз исканжасига тушиб қолган!.»**

Налимов нима деб ўйлайди, билмадим-у, лекин инсоният сўзини эмас, ўз ёвузлигининг жоҳилона ўйларининг исканжасида қолган бўлиши мумкин, холос. Зеро, юзаки қараганда мураккаб кашфиёт бўлиб кўринган **«сўз»** аслида инсонга Оллоҳ иньом этган тилнинг мевасидир. Сўз — Оллоҳдан. Агар ўша **«метеокузатувчи»** инсон билан дил ва дунё хусусида тиллашганида, сўзнинг моҳиятини бир қадар англаган бўларди ва **«шафқатсиз исканжа»** деб ўзича ҳукм чиқармас эди.

«Сўзлашиш Санъати» муаллифи Сиддиқ Мўмин нафақат сўзни қадрлайди, шунингдек, суҳбат жараёнида худбинлик, муғомбирлик, калтафаҳмлик каби иллатлардан қайтаради ва ҳамиша асл ўзбек каби самимий бўлишга ундайди. У ўзбек тилининг инжа, нафис нуқталарини очиб беришда ўзининг ҳаётий кузатувларига асосланган. Китоб **«киши билмас уйқуда»**ги ўқувчини уйғотади. Фикрларимни сўз билан ўртоқлашиб турганимнинг сабаби ҳам шунда.

Дарвоқе, Сиддиқ Мўмин айни пайтда Фарғона давлат университетида докторант экан. Суриштирсам, у, мен бир пайтлар ўқитган талабаларимнинг шогирди бўлиб чиқди. Ногоҳ ўйга толдим. Қизиғи шундаки, бундан 35 йил илгари бир шогирдим совға қилган **«Онажон»** тўплами билан **«Сўзлашиш санъати»** китоби ўртасида ботиний боғлиқлик бор. Сиддиқ Мўмин бугун эҳтиром билан ўтсо дея менга юқоридаги тўпламини тақдим қилгани ҳаётимдаги бахтли тасодифлардан бири бўлди. **«Набира шогирдим»** деб чин дилдан севиндим. Аммо такрор айтаман, гап ҳозир хурсандчилигим ҳақида эмас...

Шер МУСЛИМОВ,
доцент

МАЛИКАИ ДИЛОРОМ РЎЗНОМА ЎҚИГАНДА...

Алекс РЕМБЕС

Хотиним билан ойнаи жаҳонда концерт бўлишини кутиб рўзнома мутолаа қилардик.

— Оҳ- — деб юборди маликаи дилором тўсатдан. — Қаранг, дадаси, мактабдошим Виктор Федерманнинг сурати! Илғор экан, мақташибди. Қойил!

Мен аста рўзномага кўз югуртирдим. Ҳақиқатдан ҳам Виктор газетанинг биринчи саҳифасида менга виқор билан тикилиб турарди. **«Жуда яхши!»** — деб қўя қолдим мен.

— Яхшиям гапми, ахир бу ажойиб-ку, Викторнинг сурати, — бидирлай кетди хотиним. — Биласизми, у менга бир пайтлар совчи қўйганди, — деб қўшиб қўйди суратни томоша қилишда давом этиб.

— Бу билан нима демоқчисан ўзи? — дедим жаҳл билан.

— Унинг хотинига масза! Ахир ўз эрининг суратини рўзномада кўриш катта бахт-да!.. Мен шўрлик, эримдан нима ҳам кутишим мумкин, — деди хотиним хўрсиниб.

— Жонимга тегдинг! — Ҳамма ҳам шон-шуҳратга чўмилавермайди-ку, ахир! Агар сен Федерманнга турмушга чиқмаган бўлсанг, ўзинг айбдорсан! — дедим-да эшикни зарб билан ёпиб кўчага чиқиб кетдим. Йўлда тўсатдан миямга бир фикр келди ва тезда изимга қайтдим. Ўтган йилги газеталардан бирида синфдошим Эрика Фишернинг сурати босилганди. Чунки у илғор сут соғувчи эди.

— Мана буни малика деса бўлади! Саккиз йилдан буён илғор сут соғувчи бўлиб ишлайди. Биласанми, Эрика Фишер менинг синфдошим. Икки марта орден билан мукофотланган. Билсанг, у менинг биринчи муҳаббатим эди, — дедим хотинимга ўғринча қараб.

— Ҳа, ҳали шунақами? — совуқ жарангдади маликаи дилоромнинг овози. — Демак, мен иккинчи муҳаббатингиз эканман-да?! Балки учинчисидирман. Сен биринчи муҳаббатимсан, дея ичган қасамларингиз эсингиздан чиқдими?..

Хуллас калом, шу кеча кўзга уйқу келмай азонга яқин ухлаб қолибман. Эрталаб соат саккизда ўрнимдан турсам, стол устида хат турибди. Унда шундай сатрлар ёзилганди:

«Нонушта ошхонадаги стол устида. Чой термосда. Сиз бутунлай озодсиз: Ўша машҳур сут соғувчингиз ёнига боришингиз мумкин! Мен онамникига, болаларни ҳам ўзим билан олиб кетдим. Алвидо».

Бу воқеадан бир ҳафта ўтгач, бошлиғимиз чақириб қолди. Унинг қабулида бир журналист ўтирарди.

— Мана, қаҳрамонимиз ҳам келиб қолди. Бу ишчимиз сўнгги бир йил ичида заводимиз учун фойдали учта энг муҳим янгилик яратди, — деди бошлиғимиз.

Яна икки ҳафтадан сўнг уйимда қувончли оилавий байрам бўлди. Хотиним телевизор олдида диванга суянганча энди менинг суратим босилган рўзномани ўқирди. Бу сафар рўзномада каминанинг жуда ақллилиги ва тажрибалилиги ҳақида ёзилганди. Шундай қилиб яна оиламизда тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сура бошлади.

Немис тилидан Ш. ИМЯМИНОВА таржимаси

Ўзимизнинг совунлар ҳам ёмон эмас...

ИНСОН ҚАЛБИ БИЛАН...

Адаб, одоб ва одам

Чархи дуввор орасида инсон умри ўткинчи. Унинг бир лаҳзаси ўтдими, бас, қайтариб бўлмайди. Қайтадан яшаб, қилинган хатоларни тузатишга ёхуд қилинмаган эзгу ишларни амалга оширишга имкон йўқ. Зеро, олам чархи тинимсиз айланаверади. Ҳар айланишда у неча-неча умрларни тўкиб ташлайди, неча-неча умрларни дунёга келтиради. Фақат унинг бу синоатидан одамзод кўпинча ғофил қолади. Дарё мисол тез ўтаётган кунларининг қадрига ҳар доим ҳам етавермайди.

Бугунги кун чиндан ҳам ўзгаришлар, янгиланишлар даври. Бугун содир бўлаётган ҳар бир ўзгариш, ҳар бир янгиланиш ҳаётимизни мазмунан бойитмоқда. Она Ўзбекистонимиз кундан-кун гўзал манзаралар касб этаётир. Юртнинг ҳар бурчагида ривож топаётган қурилишу яралишлар эса келажак учун мустаҳкам пойдевор барпо этилаётганидан далолат. Энг асосийси, Ватаннинг бугунги ёшлари дунё билан юзлашмоқда, дунёни таниш йўлидан бормоқда. Албатта, буларнинг барчаси кишини қувонтиради, кўнгилга шукуҳ бағишлайди. Бироқ, баъзибаъзида бўлса-да, учраб турувчи дилоғритар воқеалар юракни бехотиржам этиб, кўнгилга ғашлик соясини ташлайди.

Бугун ҳаётимизда воқеъ бўлаётган, турмуш тарзимиздан тобора мустаҳкам ўрин олаётган бозор муносабатлари манфаат, манфаатдорлик тушунчаларини бирма-бир ҳаммамизга англатмоқда. Албатта, манфаатдорликни англаш ёқимли ва тўғри иш! Ахир, инсон ўз эҳтиёжи таъминотини мустақил ҳолда йўлга қўйса, ўзгаларга қарам бўлмай эркин фаолият билан тўкин ҳаёт кечирса, бунинг нимаси ёмон? Бироқ, манфаат деганимиз ҳушёрроқ бўлмасангиз, барча инсоний туйғулардан ўзини устун қўйишга интиладиган ярамас иллатга айланиши ҳам мумкин.

...Ҳозир ким билан суҳбатлашманг, каттаю кичикми, пулдору муҳтожми, уларнинг аксари бир хил гапни такрорлаётгандек бўлаверади. Аксар ҳолда бир хил оҳанг — молу бойликка мафтунлик. Қай бир куни Тошкенти азимга нимадир илинж билан келган оиласи эҳтиёжманд, ўрта ёшроқ танишимни учратиб қолдим. У гап орасида ўйланиб турди-да, катта бир ҳикматни топгандек юзлари ёришиб, «Э-й-й, ука, ҳаётнинг мазмуни пул экан-да, уйи куйсин!», деди. Ичимда тирикчилик уни шунчалар эзиб ташлабди-да, деб ўйлаб ачиндим. Бироқ, ачинишга бемавридроқ улгурган эканман. Камтарона яшаш тарзимдан воқиф бўлгач, у гўё дунёнинг бир гумроҳи бехабар бандаси ҳолидан ўкинаётгандек бош чайқаб қолса бўладими! Шунда, оғир ўйга ботдим. Наҳот, инсон қадри тушунчаси фақат бойлик билан ўлчаниб қолган бўлса?

Ҳўп, танишим-ку, ҳаётнинг мазмуни пул, деган фикрда бўлсин. Қолаверса, яшашдан мақсад молу давлат дегувчилар ҳам бойлик тўплаш ташвишида тўлғонаверсинлар. Бироқ, бундай кимсаларнинг фарзандлари — униб-ўсиб келаётган ёшларнинг онги, руҳи қай тариқа шаклланади? Эрта улар ҳам дунёни пул билан ўлчашмайдими?

Келинг, кўзни юмиб фараз қилмоқни қўйиб туринг-да, бошни кўтариб жонли ҳаётга нигоҳ ташланг. Турли юмушлар билан овора бўлиб оёғингиз бир кунда неча-неча кўчаю хиёбонларни, бозору бебозор жойларни босиб ўтади. Шунда кўзингиз ҳар хил ҳолату воқеаларга гувоҳ бўлади. Бир куни автобусда кетаётиб йўл манзараларини томоша қилиб чалғиган эканман, туйқус шовқиндан сергакландим. Олдинги ўриндиқларда оврупача кийинишни роса келиштирган хушбичим қиз билан ўтириб олган ёш йигит ёнгинасида тик турган кекса кишига қўлларини силтаб, ҳақоратли жеркинарди. Отахон ҳар таҳқир эшитганда бир зум каловланар ва яна маломат ёғдириб, жанжални аччиқ ичакдек чўзар эди. Бу ҳол турганларнинг асабига тегди, шекилли, кимдир жой бериб, отахонни тинчитишди. Йигитча эса гўё ҳеч нарса бўлмагандек гўзалини оғушига ўз жонига қасд қилди...

Тошкентга тижорат ишлари билан қатнаб юрадиган аёл, ҳар сафаргидек, шаҳарда ўқийдиган ёш талаба қизининг ҳолидан хабар оламан, деб бемаҳал ажални бошлаб келганди... Эшикнинг қайта-қайта тақиллашидан сўнг ичкаридан зичланган қулфни очган қиз остонада онасини кўриб донг қотди. Она хонада қизи билан аввалдан севишиб юрадиган, аммо ўзи ёқтирмайдиган йигитни кўриб, беихтиёр жаҳлга эрк берди. Миясига қон тепганидан қизини лойиқу нолойиқ сўзлар билан таҳқирлаб, калтаклай бошлади. Қиз ялинди, ёлборди. Аммо она тушунмади. «Ўзимни деразадан ташлаб юбораман», деди қиз. Шунда ҳам она шаштидан қайтмади. «Ташлаб юборавер, менга сендай фарзанднинг кераги йўқ», деди...

Олис тоғлар этагидаги кичик қони томган кўкаламзор юртига унинг жонсиз жасадини олиб қайтишди. Не-не умидлар, не-не орзу-ҳаваслар армон бўлиб ҳавода муаллақ тортиб, автобус ҳаракатида тебранган куйи «голибона» кетарди.

Хўш, бу ҳам инсоний қадр масаласига келиб тақалмайдими? Бу ахлоқий тубанликнинг ёрқин мисоли эмасми? Ё сиз уларда зарра ўзбекона қиёфани кўрдингизми? Яхшиси, бировни пок, бошқа бировни нопок, деб ажратмоққа шошилмайлик. Зотан, ўша хулқий нотавон ёшларни етиштирган ҳам, назаримда, бизнинг ўзимиз.

Шуларни ўйларканман, бешолти ой бурун юз берган бир фожеа ёдимга тушди. Айни авжи кўклам бошланган кезлари Тошкентнинг обрўли илм даргоҳи ётоқхоналаридан бирида умрининг эндигина ўн саккизинчи баҳорини шоду миннатдор қаршилаётган талаба қиз қолди!

Нега шундай бўлди, бўлмаслиги мумкин эмасмиди? Биз эса марҳума қизни енгилтакликда айблаймиз, кўнгли бўшроғимиз шафқатсиз онадан нафратланамиз ёхуд ошиқ йигитчани гуноҳкор кўрсатамиз. Чунки фожианинг устида улар турган эди-да. Йўқ, марҳума қиз енгилтак эмас, она ҳам меҳрли, йигитча ҳам самимий эди-ю, фақат...

Ҳа, ўшал сонияларда фақат биргина сифат — инсонни инсон сифатида тушунмоқ йўқ эди, холос. Фарзандига неча йиллаб меҳрини, муҳаббатини, бутун борлиғини бахшида этган она бу сафар жигарбанди кўнглини тушунмоққа куч топа билмади. Қиз эса ўша пайтда жаҳл билан лиммо-лим тўлган она юрагига йўл топмоқ ўрнига, энг оғир гуноҳ йўли — ўлимни танлади... Туғриоғи, фожиа қаҳрамонлари — меҳрибон она, муштипар қиз ва ошиқ йигит устидан жаҳл ғолиб келди.

Аслида, аслида эса фожиа қурбони бўлмиш қизнинг ҳаммамиз қатори яшамоғи учун барча асос бор эди. У ҳам биз каби ҳаёт гўзалликларидан шавқу завқ олиб, қувонч-шодликлардан баҳраманд бўлиб яшашга тўла ҳақли эди. Бироқ...

Начора, «тақдир — ҳақ» дейдилар. Зеро, бошимизга яхши-ёмон кун келса, «Тақдир экан-да», деймиз. Лекин ана шу «тақдир» ўзагидаги «қадр»ни кўп ҳам англайвермаймиз. Ҳар доим ҳам кўнгилни тушунмоққа, уни англамоққа ўзимизда озгина меҳр-муҳаббат топа олмаймиз. Ва охир-оқибат эса...

Келинг, азиз биродар, аламли оқибатдан йиғламайлик-да, ҳар биримиз ҳеч бўлмаса ёнимиздаги битта инсон қалбини тушунмоққа ҳаракат қилайлик. Зотан, бу фазилат инсонни инсон, дея улуғловчи энг олий инсоний туйғудир.

Т. ЭШТЎХТАРОВ

ВАҚТ — МЕНИНГ АРМОНИМ

Учрашув

Дилкаш инсон билан суҳбат ҳамиша дилингизни равшан қилади. Бунинг учун у инсон сизнинг «идеал» қаҳрамонингиз ёки ёрқин «юлдуз» бўлиши шарт эмас. Суҳбатдошимни кутиб ўтириб, шу каби ҳаёлларга берилиб кетибман. «Келинг, укажон, сиз мени кутяпсизми?» деган саволдан хаёлим бўлиниб, овоз келган томонга юзландим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожиакбар НУРМАТОВ билан ўзбекона илиқ салом-аликдан сўнг «Ҳамза» театри йўлаклари оралаб, шинамгина бир хонага кирдик...

— **Ҳожиакбар ака, «Истеъдод ҳаёт давомида орттириладиган тажрибалар маҳсулидир», деган иборага қандай қарайсиз?**

— Менингча, Аллоҳ Таоло пешонангизга нимани ёзган бўлса ўша бўлади. Энди, албатта, ўша **«шўролар»** даврида **«тақдиринг қўлингда, хоҳласанг уни ўзгартиришинг мумкин»**, деган гаплар бўлади. Тўғри, инсоннинг ўзига ҳам боғлиқ. Яхши йўлдан бориб, ҳалол меҳнат қилса, албатта, бирор нарсага эришиши мумкин. Лекин, барибир, пешонага ёзгани бўлади.

— **Машҳур актёрлардан марҳум Андрей Миронов ўзи яратмоқчи бўлган образини маромида ижро этиш учун ўша қаҳрамонининг ҳаётида обдон яшар экан. Кўча-кўйда, дўстлар даврасида, оила аъзолари билан бирга бўлганда ҳам ўзини ўша қаҳрамонидек тутар, ҳатто тўлиқ «эффект» учун уй жиҳозларини ҳам қаҳрамонининг уйидагидек ўзгартирар экан...**

— Қани энди шундай шароит бўлса... Ўша образда юриб, ўша образда яшаб, кейин саҳнага чиқса... Энди, Миронов битта образни маромида ижро этиш учун қанча вақт керак бўлса ҳам бошқа ишларни четга суриб, фақат шу билан банд бўлгандир. Биз эса бир кунда беш-ўнта томонга бўлиниб кетишимизга тўғри келади. Кейин кийим, жиҳозлар деяпсиз, бизга кийимни премерага бир-икки кун қолганда оламиз. Беш-ўн маротаба ўша кийимда чиқсаккина унга кўникиш ҳосил қиламиз. Тўғри, баъзи ҳолларда биз ҳам шундай қилишга уринамиз. Бундай пайтларда артистларнинг ўзлари ҳам ўша ҳамкасбларига қараб **«кейинги образга тайёргарлик кўряпсанми, мўйлов қўйибсан, юриш-туришинг бошқача, хаёл суряпсан»**, деганга ўхшаш гапларни айтишади. Шунисси ҳам борки, ҳар бир актёр ўз услубига эга. Мингта актёр, бу — минг хил услуб дегани. Агар Миронов сиз айтган услубда ишлаган экан, бу шубҳасиз энг яхши услуб. Чунки рол ўйнаётганда қийналмайди. Биз, афсуски, бундай шароитни орзу қиламиз.

— **Халқимизда «Таомнинг, сувнинг, гапнинг ками ширин», деган ҳикмат бор. Ҳозирги кунда телеэкранларда намойиш этилаётган узундан-узоқ телесериаллар инсоннинг асабига тегади дейишади.**

— Бу, масалан, сиз ёки бошқа сизга ўхшаш умуман кундалик ишлар билан банд одамларнинг асабига тегиши мумкин. Лекин, аслида, ўша сериалларнинг ҳам ўз томошабини бўлади. Бу сериаллар уй бекаларига, нафақахўрларга, умуман, бўш вақти бор одамларга мўлжалланган. Сериаллар телевидение пайдо бўлганидан бери бор.

Умуман, Европада, Америкада видеофилмларни кўриш ҳозир урфдан чиқиб бормоқда. Ҳозир экран орқали кўриш, кинотеатрларга бориш кўпроқ урф бўлмоқда.

— **Кўпчиликнинг фикрича, видеофилмлар жангари сюжетлари, қолаверса, ўзбекнинг маънавияти ва маданиятига тўғри келмайдиган томонлари билан яшаш тарзимизга салбий таъсир кўрсатяпти...**

— Бу хусусда менинг шахсий фикрим бор... Салбий таъсир кўрсатяпти деб, мутлақо кўрмаслик ҳам хато. Инсон аслида яхши тарбияланган бўлса, унинг маънавияти бузилмайди. Мана, масалан, 70 йил давомида шўро тузуми нафақат кино ва театр, ҳаттоки мултфилмлар орқали ҳам таргиб қилинди. Лекин тузум ўзини ушлаб туролмади-ку. Демак, одамлар маънавиятига бутунлай таъсир қилолмаган. Кино, театрдан инсон **«томоша»** завқини олиши керак. **«Фалон филмда ўпишишди, демак, биз ҳам ўпишишимиз керак экан-да»**, деган фикрга бормаслиги керак. Онгли равишда хулоса чиқариш лозим.

Дунёда қўйилаётган филмларни, дунё адабиёти, спорти, дунё тараққиётини билмасдан туриб, ҳеч қайси соҳада жаҳон хазинасига муносиб улуш кўшиш мумкин эмас. Менинг шахсий фикрим: санъат асаридан тўғри хулоса чиқара билиш лозим.

— **Кўпчилик актёрлар «Қайси образни ижро этишни орзу қиласиз?» деган савол жаҳон классикаси, жаҳон миқёсидаги буюк-буюк асарлар, шоҳ асарлар. Ҳар бир инсон, хусусан, актёр ҳаёти ва ижоди мобайнида юқори чўққиларга интилиб яшайди. «Ҳамлет»ни бекорга драматургиянинг тожи дейилмаган. Ҳар бир актёрнинг юрагида, албатта, шу ролни бир маротаба бўлса ҳам ўйнасам, деган орзу бўлади. Энди яна битта томони бор. Масалан, мен машина ҳайдашни билмайман, билишга қизиқмайман ҳам. Гапнинг очиғи-да. Нега деганда, мен дунёга реал қарашни яхши кўраман. Машина сотиб олишни имкониятим кўтармагандан кейин уни ҳайдашни ўрганишимдан нима маъно бор. Шу маънода «Мен фалон образни ўйнайман», дейишдан олдин қобилиятига, жисмига, фаросатига, умуман, имкониятига чуқур назар ташлаш керак. Ўшанда биров бировнинг устидан кулмайдиган орзу бўлади. Яъни одам уддалашига кўзи етган нарсани орзу қилиши керак. Агар сиз мендан шу саволни сўрасангиз, «Ҳамлет»ни ўйнашни хоҳлайман», дея олмайман. Мен ўйнай олмайман. Бу образ қадди-қоматимга, юриш-туришимга, дай дунё актёрлари йиғилиб бир постановка қўйиладиган бўлса, менинг назаримда, ҳозирги пайтда у тинчлик қиёфасида бўларди. Бундан кучлироқ, бундан муҳимроқ, бошқача бир нарса бўлишини мен тасаввур ҳам қила олмайман. Умуман олганда эса, муҳаббат бўларди. Чунки бирор-бир асарда ёки постановка замирида албатта муҳаббат мавзуси бўлади. Масол учун, «Қарақчилар» спектаклини олинг! Унда ҳам олтинга, бойликка муҳаббат бор. Асоси — муҳаббат!**

— **Ҳожиакбар ака, санъаткор учун энг бахтли онлар ҳаётининг энг сўнгги дақиқасигача саҳнада бўлиш, аниқроғи, саҳнада ҳаёт билан видолашиш экан, деб эшитамиз.**

— Бундай ҳодиса бўлган... Спектаклни ўйнаб бўлиб актёр йиқилади-да, «пардани ёп» дейди. Ёпиб қарашса, актёр ўлиб бўлган экан. Бу актёр — Фолцемақа... Ҳар бир актёр учун бу тарзда ўлиш ҳақиқатан орзу. Актёр сўнгги нафаси қолгунича саҳнага чиқиб қолай, дейди. Нима учун режиссёрлар, тенгқур актёрлар баъзан бир-бирлари билан 10-20 йиллаб кўришмай кетадилар. Фақатгина рол устида, иш устида талашиб шундай бўлади. Сабаби, актёр рол ўйнасагина, орзу қилиб кирган ишини амалга оширган бўлади. Рол ўйнамадингизми, обрў ҳам йўқ. Майли, баландпарвоз гап бўлса ҳам айтай: халққа, ватанга хизмат қилиш жараёнида ҳар бир актёрга шу тарзда ўлиш насиб этсин.

— **Актёрнинг машҳур бўлиши билан бирга, менга бизда мавжуд драматурграрнинг савиясини паст ёки умуман йўқ, деб айтолмайман. Гап шундаки, бу-лар жаҳон классикаси, жаҳон миқёсидаги буюк-буюк асарлар, шоҳ асарлар. Ҳар бир инсон, хусусан, актёр ҳаёти ва ижоди мобайнида юқори чўққиларга интилиб яшайди. «Ҳамлет»ни бекорга драматургиянинг тожи дейилмаган. Ҳар бир актёрнинг юрагида, албатта, шу ролни бир маротаба бўлса ҳам ўйнасам, деган орзу бўлади. Энди яна битта томони бор. Масалан, мен машина ҳайдашни билмайман, билишга қизиқмайман ҳам. Гапнинг очиғи-да. Нега деганда, мен дунёга реал қарашни яхши кўраман. Машина сотиб олишни имкониятим кўтармагандан кейин уни ҳайдашни ўрганишимдан нима маъно бор. Шу маънода «Мен фалон образни ўйнайман», дейишдан олдин қобилиятига, жисмига, фаросатига, умуман, имкониятига чуқур назар ташлаш керак. Ўшанда биров бировнинг устидан кулмайдиган орзу бўлади. Яъни одам уддалашига кўзи етган нарсани орзу қилиши керак. Агар сиз мендан шу саволни сўрасангиз, «Ҳамлет»ни ўйнашни хоҳлайман», дея олмайман. Мен ўйнай олмайман. Бу образ қадди-қоматимга, юриш-туришимга, ...ёки ўлиб бўлган экан. Бу актёр — Фолцемақа... Ҳар бир актёр учун бу тарзда ўлиш ҳақиқатан орзу. Актёр сўнгги нафаси қолгунича саҳнага чиқиб қолай, дейди. Нима учун режиссёрлар, тенгқур актёрлар баъзан бир-бирлари билан 10-20 йиллаб кўришмай кетадилар. Фақатгина рол устида, иш устида талашиб шундай бўлади. Сабаби, актёр рол ўйнасагина, орзу қилиб кирган ишини амалга оширган бўлади. Рол ўйнамадингизми, обрў ҳам йўқ. Майли, баландпарвоз гап бўлса ҳам айтай: халққа, ватанга хизмат қилиш жараёнида ҳар бир актёрга шу тарзда ўлиш насиб этсин.**

— **Актёрнинг машҳур бўлишига кўпинча у ҳакда тўқилган миш-мишлар, айтилган латифалар ёки танқид остига олинишлари сабаб бўлади...**

— Албатта, сиз айтган воқеалар ҳам сабаб бўлади. Лекин, аввало, машҳурликни инсоннинг ўзи яратади. У ўз меҳнати билан машҳур бўлади. Тўғри, ҳар биримизда бўлганидек, машҳур инсонларнинг ҳам ўзига яраша қусурлари бор. Лекин машҳур бўлганлиги учун ҳам баъзи пайтларда бу қусурларини кечирамиз. Бизда бир ибора бор: **«Ёмон одам образини яратаётганингда унинг ижобий томонини яхшилаб ижро этсанг, ёмон томонлари ўзи бўртиб чиқади».** Баъзи машҳур одамларнинг бирор қусурини айтсангиз, **«Вой, шу холосми, нима қипти. Қаранг, бошқа қанча яхши фазилатлари бор»**, деб қусурларини кўмиб юборишади. Бир воқеани айтиб берайми (юзида майин, беғубор табассум пайдо бўлади). Мана, бундан уч-тўрт йил олдин мен билан Обид Юнусовни ўлдига чиқаришиб қўйишибди. **«Фалон жойга бориб чўмилишаётиб, чўкиб ўлибдийкан»**, деган гаплар бўлибди. Ўзимнинг хабарим йўқ (яна қулади). Энди, албатта, булар одамга салбий таъсир ҳам қилади. Лекин кўпроқ ижобий таъсир кўрсатади. Бу каби миш-мишларга жиддий аҳамият бермаслик керак.

— **Ўзингиз нима совға қилишни ва сизга қандай совға қилишларини яхши кўрасиз?**

— Яхши савол. Очиғини айтиш керак (хижолатомуз кулги билан). Мен совға қилсам, чўнтагимга қараб совға қиламан. Оладиган бўлсам, чўнтагимдан кўпроғини хоҳлайман...

— **Ҳожиакбар ака, армонингиз борми?**

— Армонсиз дунё бўлмайди. Армон бу... менинг назаримда, вақтнинг тез ўтиши. Олдинлари уйимда 6та блокнотим бўларди. Душанба, сешанба, чоршанба ва ҳоказо... шанбагача, кунлар тартиби ёзилган. Шунда ҳар бир иш вақтимни ёзиб борар эдим. Иш кўп бўларди, хозир эса, баъзи сабабларга кўра, иш камайиб кетди. Назаримда, худди вақт жуда тез ўтиб кетаётгандай. Худди бир нарсани қилишга улгурмай қолаётгандай туюлади...

— **Агар Ҳожиакбар Нурматовга ҳаётини бошқатдан яшаш имкони берилганда у ким бўлар эди?**

— Актёр! 34 йиллик фаолиятим давомида уч-тўрт марта саҳнадан кетгим келган. Лекин бари бир саҳнасиз яшолмайман.

— **Охирги йилларда ижро этган образларингиздан қайсиси сизга маъқулроқ?**

— Ҳаммаси ҳам яхши. Улар менинг фарзандларим, ҳеч бирини ёмонлашга ҳаққим йўқ. Чунки ҳар бирини қон билан, жон билан, тер билан яратганман. Меҳнатнинг ёмони бўлмайди-ку. Албатта, томошабин қабул қилмаслиги, **«Йўқ, бу образни Ҳожиакбар Нурматов ўйнай олмабди»**, дейиши мумкин. Лекин улар мен учун азиз.

— **Мустақиллик байрами арафасида кўпчилик санъат намояндаларига давлатимизнинг юксак унвонлари топширилди. Улар орасида сизнинг театр актёрлари ҳам бор...**

— Биласизми, аввало, ўз касбдошларимни чин юракдан муборакбод этаман, уларнинг қувончларига шерикман. Актёр учун яна бир юксак унвон мавжуд, бу — мухлисларнинг севгиси. Шу билан бирга, ҳали унвон олмаган актёрларга айтадиган гапим бор. Актёр саҳнада, **«Мен фалон унвонни олсам эди»**, деб ишламайди. Унинг асосий мақсади — ижод қилмоқ. Шогирдлари Гегелдан: **«Устоз, фалон одамга ҳайкал қўйишибди, нега сизга қўйишмайди?»**, деб сўрашса, Гегел уларга: **«Раҳмат сенга, ўғлим. Менга кўпроқ «нега унга ҳайкал қўйишибди» деган гапдан кўра «нега қўйишмабди», деган гап маъқулроқ»**, деган экан.

Суҳбатдош ваҳт учун ташаккур билдириб қайтар эканман, ҳаёлимдан, «Нима, бизга Ҳолливуд, агар унда Ҳожиакбар Нурматов ёки бошқа улуғ ўзбек актёрлари бўлмаса», деган фикр ўтди. Ҳолливудда актёрлар миллион-миллион даромад эвазига ишлайдилар. Бизнинг актёрлар учун халқнинг илиқ муҳаббати миллиардлардан қимматроқдир.

Суҳбатдош ҲУСНИДДИН

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШ